# ҒЎЗАНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТЕЗЛАШТИРИБ, ИЮЛДА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАЙЛИК!


БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 155 (12.508) | Жума, 5 июль 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.


## ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети июннинг учинчи ўн кунлигида ғалла экинлари ўрим-йиғими ва давлатга дон сотишнинг бориши тўғрисидаги материалларни кўриб чиқдилар ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Сирдарё областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тасанбоев**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Руцкий**) қолдирдилар. Бу область 20 июндан 30 июнга қадар 23,9 процент майдондаги ғалла экинларини ўриб олган ва шу вақт ичида йиллик планга нисбатан 26,3 процент дон тайёрлаган, мавсум бошидан эса 36,2 процент майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олиб, дон тайёрлаш йиллик планини 36,3 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областининг **Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасида** (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Сатторов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Иброҳимов**) қолдирилди. Бошқарма 20 июндан 30 июнга қадар 21,8 процент майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олган ва шу вақт ичида йиллик планнинг 28,1 проценти миқдорида дон тайёрлаган; мавсум бошидан эса 39,7 процент майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олиб, дон тайёрлаш йиллик планини 40,2 процент бажарган.

Кўчма Қизил байроқ Сурхондарё областининг **Ғузор ишлаб чиқариш бошқармасига** (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Маъмуров**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**) берилди. Бу бошқарма 20 июндан 30 июнга қадар 11,1 процент майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олган ва шу вақт ичида йиллик планга нисбатан 36,1 процент дон тайёрлаган; мавсум бошидан эса 20 процент майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олиб, дон тайёрлаш йиллик планини 49,6 процент бажарган. Қизил байроқ Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидан олиб берилди.

Самарқанд областининг Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармаси ва Сурхондарё областининг Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими ҳамда давлатга дон сотиш яхши ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди.

## МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

**ТЕРМИЗ**, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Термиз ишлаб чиқариш бошқармаси давлатга тухум сотиш йиллик плани ошириб бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Давлатга пландаги 1 миллион 365 минг дона ўрнига 1 миллион 375 минг дона тухум сотилди.

Бошқарманинг ҳамма хўжаликлари тухум сотиш йиллик планини ошириб адо этди.

●

**ОБРУЧЕВ**, («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларидан руҳланган Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил чорвадор» совхози коллективи ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Давлатга ғалла сотиш йиллик плани муддатидан илгари ошириб бажарилди. Омборларга 270 минг пуд дон тўкилди. Коллектив ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 15 минг центнер ғалла сотиш ҳақида оширилган мажбурият олди.

Суратда Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гигант» колхозининг механизатори Нурмамат Саидалиевни кўриб турибсиз. У бу йилги мавсумда 1100 гектардаги ғўзани парвариш қилиш ва машинада 150 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

В. Сироткин фотоси.

## Н. С. ХРУШЧЕВ

### Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев рафиқаси билан бирга 4 июлда Германия Демократик Республикасидан Москвага қайтиб келди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан Германия Демократик Республикасида дўстлик визити билан бўлган эди.

Внуково аэродромида ўртоқ Н. С. Хрушчевни Л. И. Брежнев рафиқаси билан, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико рафиқаси билан, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. Е. Семичастний, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири В. Н. Малин, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссияси раисининг биринчи ўринбосари З. Т. Сердюк ва бошқалар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Германия Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Рудольф Деллинг рафиқаси билан ва Германия Демократик Республикаси элчихонасининг дипломатик ходимлари ҳам бор эди.

(ТАСС).

# ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бу йилги пахта ҳосилини териш, уни қабул қилиб олиш, сақлаш ҳамда қайта ишлашга тайёргарликнинг боришини кўриб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда қайд қилинишича, республикадаги илғор хўжаликларнинг пахтакорлари Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхози аъзоларининг мурожаатига жавобан ғўза парваришини кучайтириш билан бир вақтда ҳосилни машинада теришга ҳам катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бироқ, кўпгина ишлаб чиқариш бошқармалари, колхозлар, совхозлар, «Узсельхозтехника» бўлимлари, тайёрлаш пунктлари, пахта заводлари, маҳаллий партия ва совет органлари пахта теримига тайёргарлик ишларини ҳаддан ташқари кечиктириб юбормоқдалар. 20 июнга қадар пахта териш машиналарининг фақат 26 проценти, кўрак чувиш машиналарининг эса 21 проценти ремонт қилинган, холос. Айниқса Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР бу соҳада жуда орқада қолмоқдалар.

Пахта териш машиналари запас қисмлар билан таъминланмаган. Тошкент трактор-йиғув заводи пахта териш машиналарига рамалар ва бошқа деталлар тайёрлаб бериш планини бажармаётир. «Узбексельмаш» заводи кўрак чувиш машиналари учун зарур бўлган кўпгина запас қисмларни тайёрлашга ҳанузгача киришмаган. Бу корхона бошқа зарур қисмлар тайёрлаш графикларини ҳам бажармаётир. «Ташсельмаш» ва «Автотрактородеталь» заводлари ҳам деталларни ўз вақтида етказиб бермаётир. Кўпгина колхоз ва совхозларда шу вақтгача механик-ҳайдовчилар танлаб чиқилмаган, уларнинг малакасини ошириш тадбирлари кўрилмаётир.

Асфальт майдончалар тайёрлаш, сушилкалар қуриш, мавжудларини ремонт қилиш ишлари ҳамма жойда ҳам кенг авж олдириб юборилган деб бўлмайди. Қабул пунктлари ва пахта тозалаш заводлари ҳосилни, айниқса қопканорсиз ташиладиган пахтани қабул қилиб олишга жуда суст тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шовот, Ленин, Сирдарё областининг «Голодностепстрой»га қарашли 6-совхозидаги янги пахта тозалаш заводларини қуриш жуда ҳам кечиктирилмоқда. «Фарҳод» ва 7-совхозларда тайёрлаш пунктлари, Сирдарё областидаги Қизилқум, Андижон областидаги Гигант, Қорақалпоғистон АССРдаги Гулдурсун қабул қилиш пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари қуриш пайсалга солинаётир.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, республика колхоз ва совхозлари, тайёрлаш тармоқлари ҳамда пахта заводларининг энг муҳим вазифаси, дейилади Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида, ғўза парваришини кучайтириш билан бир вақтда ҳосил йиғим-теримига тайёргарликни ҳар томонлама қизитиб юборишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари, область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига:

ўн кун муддат ичида пахтаси машинада териладиган майдонларни ажратиш, бу майдонлардаги ғўза агротехника қоидалари асосида комплекс парвариш қилинаётганини назорат остига олиш, мўл ва эрта етиладиган ҳосил тўплаш, ғўзани машина теримига мослаб ўстириш тадбирларини кўриш;

ҳар бир колхоз ва совхозда, «Узсельхозтехника»нинг ремонт устахоналарида пахта териш машиналарини ремонт қилиш юзасидан календарь график тузиб чиқиш ва унинг бажарилишини текшириб бориш;

1 сентябрга қадар пахта териш машиналари, прицеплар, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун ишлатиладиган автомашиналар ва автопогрузчикларни ремонт қилиб бўлиш, кўрак чувиш машиналари ремонтини 1 октябргача, кўрак териш машиналарини 15 октябргача, ғўзапоя юлиш машиналарини 1 ноябргача тўла ремонтдан чиқариш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Колхоз правлениеларига пахта териш машиналари, кўрак чувиш машиналари, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ва погрузчикларни «Узсельхозтехника» устахоналарида ремонт қилдириш тавсия этилди. Яхши жиҳозланган устахоналари бўлмаган совхозлар ҳам ўз машиналарини «Узсельхозтехника» корхоналарида ремонт қилдирадилар.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига ремонтнинг сифати ва ремонт ишлари таннархининг арзон бўлиши учун барча чораларни кўриш вазифаси топширилди.

Пахта териш машиналарининг икки сменада ишлашини таъминлаш учун икки ҳафта муддат ичида механик-ҳайдовчиларни танлаб чиқиш ва «Узсельхозтехника» бўлимлари ҳузурида ва совхозларда ташкил этилган курсларда уларни ўқитиш зарур. Ўқишга билимли, техникани севадиган ўрта мактабни битирган колхозчилар, совхоз ишчилари, шоферлар ва тракторчиларни кўпроқ жалб этиш керак. Айниқса хотин-қизлардан механик-ҳайдовчилар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси механик-ҳайдовчилар тайёрлаш юзасидан белгиланган ўқув программасини синчиклаб қараб чиқиши, бу ишга тажрибали мутахассисларни жалб этиши, тажрибаси кам бўлган механик-ҳайдовчиларни қайта ўқитиб, малакасини ошириш тадбирларини кўриши керак. Республика бўйича 5 минг механик-ҳайдовчи тайёрланиши, 10 минг механик-ҳайдовчи қайта ўқитилиши лозим.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига комсомол ташкилотларининг механик-ҳайдовчиларни танлаш ва уларни тайёрлаш ишида актив иштирок этишини таъминлаш, пахтани машинада теришда комсомолларнинг авангард бўлишига эришиш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Тошкент саноат область партия комитети ва Тошкент шаҳар партия комитетлари зиммасига заводларда пахта териш машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқаришда юз бераётган қолоқликни тезда тугатиш тадбирларини кўриш вазифаси топширилди. Токи 1 сентябрга қадар запас қисмлар ишлаб чиқариш юзасидан шу йилнинг уч кварталига белгиланган план бажарилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси зиммасига 1 сентябргача 27 та газ сушилкасини қуриб битказиш, колхозларда 692 та асфальтланган майдончалар қуриш, сушилкалар, сарой ва айвонларни, автомашиналар, бричкалар, тарози ва хирмонларни тахт қилиб қўйиш ва ҳар бир хўжаликда ғўза баргини тўктириш учун керакли заҳарли химикатларни ташиб қўйишни таъминлаш вазифасини топширдилар.

Давлат План комиссияси ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси колхозлардаги газ сушилкаларни ва асфальт майдончаларни ремонт қилиш ва янгиларини қуриш учун керакли материалларни ажратиши зарур. Фарғона қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитетининг Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг механиги Биков ишлаб чиққан конструкция асосида колхозларда газ сушилкалар қуриш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига пахтанинг ҳўллик даражасини ўлчашда «Тошкент» электр ўлчаш аппаратидан кенг фойдаланишни тажриба қилиб кўриш ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда уни колхоз ва совхозларда амалда қўлланиш юзасидан инструктаж ўтказиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига яқин кунлар ичида тайёрлов пунктлари ва пахта заводлари янги ҳосилни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уни қайта ишлашга қандай тайёргарлик кўрганлигини текшириб чиқиш ва қолган ишларни тезда бажариш юзасидан чоралар кўриш вазифаларини юкладилар. Пахтани тайёрлов пунктларидан пахта тозалаш заводларига қоп-қанорсиз ташиш техникаси ва уни қабул қилиб оладиган механизмлар ҳамда автомобиль хўжаликлари ремонти устидан контроль ўрнатиш зарур. Тайёрлов тармоқларидаги ишчиларни аттестациядан ўтказиш ва уларнинг составини ўз ишини биладиган кишилар билан тўлдиришда пахта тайёрлаш трестлари ва пахта заводларига ёрдам бериш керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги зиммасига пахта топширувчиларни танлашда колхоз ва совхозларга ёрдам бериш, ҳамма областларда ГОСТ қоидаларини тушунтириш юзасидан иш олиб бориш, сортларга ажратиш қоидаларини тушунтириш, тайёрлаш пунктларида ҳосилни қабул қилиш ва давлатга топширишда ҳужжатларни тайёрлашга ўргатиш вазифалари топширилди. «Узглавстрой», область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари қурилишини тезлатишлари, Хонқа, Ҳазорасп ва Гурлан пахта заводларида цехларни кенгайтириш, Шовот ва Ленин пахта заводларида янги цехлар қуриш ишларини тезлатиш чораларини кўришлари зарур. Токи бу қурилишлар белгиланган вақтда битказилиб, фойдаланишга топширилсин.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига тайёрлаш пунктларидан пахта заводларга 968 минг тонна пахтани ташиб бериш вазифаси юклатилди. Шу жумладан 318 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилади. Бу министрликка Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари билан ҳамкорликда тайёрлов пунктларига борадиган ва пахта ташиладиган йўлларни, кўприкларни ремонт қилишни тезлаштириш вазифалари топширилди.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш министрлиги, область партия ва совет ташкилотларига ҳамма колхоз ва совхозларда, тайёрлов пунктларида, пахта заводларида ёнғинга қарши қандай тайёргарлик кўрилганлигини текшириб чиқиш вазифаси юклатилди.

Далаларни тайёрлаш, теримда машина кучларидан қандай қилиб унумли фойдаланиш, машина теримини поток усулда ташкил этиш тўғрисида тавсияномалар ва плакатлар тайёрлаб, уни кўп тиражда нашр этиш керак.

Маданият ва соғлиқни сақлаш министрликлари ҳамда «Ўзбекбирлашув»га колхозчиларга, совхоз ишчиларига, тайёрлов пунктларининг ходимларига ва йиғим-теримга жалб этиладиган аҳолига маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари ва шаҳар бирлашган партия комитетлари зиммасига Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхози пахтакорларининг ҳосилни машинада теришдаги тажрибаларини ҳамма хўжаликларда кенг ёйиш, колхозчиларнинг, ишчиларнинг ва мутахассисларнинг терим машиналарини мавсумга сифатли тайёрлаш учун бошлаган курашига раҳбарлик қилиш, қишлоқда оммавий агитация ва пропаганда ишларини кучайтириш, теримга намунали тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан социалистик мусобақани кучайтиришда колхоз ва совхоз партия ташкилотларига ёрдам бериш, ишчилар ва хизматчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда пахта тозалаш заводлари партия ташкилотларига кўмаклашиш, завод коллективларнинг машина-ускуналарнинг юксак даражада унумли ишлаши, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хом ашёни тежаш учун, тайёрлов пунктлари ва пахтани қуритиш-тозалаш цехлари коллективларининг эса пахта тайёрлашни пухта ўтказиш, қоп-қанорсиз ташилаётган пахтани узлуксиз қабул қилиш, машинада терилган пахтани сифатли тозалаш ва тайёрланган пахтанинг сақланишини таъминлаш учун социалистик мусобақасини ташкил этишда уларга ёрдам бериш вазифасини топширдилар.

Республика, область ҳамда ишлаб чиқариш бошқармаларининг газеталари ўз саҳифаларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радио эшиттириш ва телевидение давлат комитети ўзининг эшиттиришларида пахта йиғим-теримига тайёргарликнинг боришини кенг ёритишлари, ҳосил йиғим-теримидаги илғор методларни кенг ёйишлари, илғор механик-ҳайдовчи ва теримчиларни пропаганда қилишлари зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети шунга аминдирларки, партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари, республикамизнинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари меҳнатда қаҳрамонлик кўрсатиб ишлайдилар, социалистик мажбуриятни бажариб, етти йилликнинг бешинчи йилида Ватанга 3 миллион 566 минг тонна пахта топшириш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлаб меҳнат қиладилар.

(Охири иккинчи бетда).

## ТИНЧЛИК ЧЕГАРАСИДА

ФРАНКФУРТ-ОДЕР, 4 июль. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, бу ерда меҳмон бўлиб турган Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт, Ю. Циранкевич ва уларнинг ҳамроҳлари кеча чала ўтказгичлар заводига бордилар.

Корхона ҳовлисига тўпланган ишчилар Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Ю. Циранкевични шодухуррамлик билан самимий кутиб олдилар.

Н. С. Хрушчев цехларни кўздан кечириб бўлгач, фахрий меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдиради:

«Ажойиб социалистик завод экан ва сизлар ГДР халқ хўжалиги учун жуда керакли маҳсулот ишлаб чиқаряпсизлар.

Азиз ўртоқлар, сизларга ана шу маҳсулотни мамлакатта тобора кўпроқ, арзонроқ ва тобора сифатлироқ қилиб етказиб беришингизни тилайман.

1963 йил 3 VII.

Н. С. Хрушчев».

Фахрий меҳмонлар дафтарига Вальтер Ульбрихт ва Ю. Циранкевич ҳам имзо чекдилар.

## СУРХОНДАРЁЛИКЛАР ИЗИДАН

**БУХОРО, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари сурхондарёликлар мурожаатига қўшилиб, июль ойини зарбдор ой деб эълон қилдилар.**

**Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди ва нутқ сўзлади.**

**Кенгаш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга мактуб қабул қилдилар.**

## ТУРКМАН ПАХТАКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Туркманистон ССР пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини ҳамда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш йўлида қандай курашаётганликларини текшириш учун 3 июлда Тошкентга келди.

Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Б. Ф. Бурашников бригадага бошчилик қилади. Бригада аъзолари орасида Карки ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг раиси Р. Сапаров, Маридаги зона тажриба станциясининг директори И. Д. Шубин, Туркманистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг старший мутахассиси М. Назаров ва бошқалар бор.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

Бригада аъзолари группаларга бўлиниб, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм областларига жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

**СУРАТДА:** туркманистонлик пахтакорлар Тошкент аэропортида.

Б. Мазур фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

# ТИНЧЛИК ЧЕГАРАСИДА

(Боши биринчи бетда)

Сўнгра, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, инженерлари ва техниклари билан, шунингдек республиканинг бир қанча округларидан келган электрон техникаси соҳасидаги мутахассислар билан учрашув бўлди.

Суҳбат вақтида Вальтер Ульбрихт ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзлаб, фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг катта аҳамиятини таъкидлаб кўрсатдилар. Н. С. Хрушчев завод коллективига хотира учун совғалар — В. И. Ленининг ҳайкали ва радиола тақдим қилди.

Корхона коллективи Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Ю. Циранкевични самимий кузатиб қолди. Уларга хотира учун совғалар тақдим қилинди.

Маҳаллий вақт билан соат 19 дан 45 минут ўтганда Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Ю. Циранкевич ратуша олдидаги майдонга келдилар. Бу ерда уч қардош мамлакат— Совет Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва Польша Халқ Республикаси халқларининг катта дўстлик митинги бўлди. Майдонда 70 мингдан кўпроқ киши, шу жумладан қўшни қардош мамлакатдан келган кўпгина поляк гражданлари тўпландилар. Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт, Ю. Циранкевич минбарга чиққанларида, митинг қатнашчилари уларни табрик хитоблари билан ва узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар. Дўстлик салюти янграйди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Франкфурт-Одер округ комитетининг биринчи секретари Э. Мюккенберг митинг қатнашчилари номидан, Франкфурт-Одернинг бутун аҳолиси номидан азиз меҳмонларга табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

Немис пионерлари меҳмонларга гулдасталар тақдим қиладилар.

Э. Мюккенберг ўзининг қисқача нутқида В. Ульбрихтни 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан яна бир марта самимий табриклайди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт сўзга чиқади. У, ҳамма тўпланганларни қизғин табриклайди ва митингни Совет Иттифоқи халқлари, Польша халқи, Германия Демократик Республикасининг аҳолиси ва немис халқининг ҳамма тинчликсевар кучлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг ифодаси, деб таърифлайди.

В. Ульбрихт кеча Берлиндаги митингда Н. С. Хрушчев киритган таклифлар ҳусусида тўхталиб, бу таклифлар ГДР ва бутун немис халқи манфаатларига батамом мос бўлиб тушишини таъкидлайди.

Бугун биз Одерда тинчликка интилаётганлигимизни айтмоқдамиз ва бу билан Н. С. Хрушчев таклифларини қўллаб-қувватламоқдамиз, дейди В. Ульбрихт.

У, Франкфурт-Одер округи территориясида жойлашган «Ост» металлургия комбинатини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилинганлигини айтади. Тезда Одерга «Дружба» нефть қувури етиб келади. Шундан кейин, бу ерда химия саноатининг янги маркази барпо этилади. Бу — қардошларча дўстлик ва Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамнинг далилидир.

Сўнгра, Вальтер Ульбрихт Германиянинг бирлигига олиб борадиган йўллар ҳақида гапириб, бирлик масаласи ҳал этилади, деб ишонч билдиради. Бу Германия ягона, тинчликсевар, социалистик Германия бўлади.

Вальтер Ульбрихт сўнгра Германия Демократик Республикаси билан Польша Халқ Республикасини боғловчи қардошларча, бузилмас дўстлик ҳақида гапиради. Биз, деб таъкидлайди нотиқ, иккала халқимиз манфаатлари йўлида, бутун социалистик лагерь манфаатлари йўлида бу дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлай берамиз.

Одер-Нейссе бўйлаб ўтадиган чегарага келганда, унинг бузилмаслиги таъминлангандир. Буни ҳар бир киши билади. Реваншчиларга бу чегарани ўзгартириш ҳеч қачон насиб бўлмайди. Германия Демократик Республикаси бу чегарани Варшава шартномасидаги ҳамма давлатлар билан биргаликда қўриқлайди.

Вальтер Ульбрихтнинг нутқи бир неча марта қизғин қарсаклар ва маъқуллаш садолари билан бўлиниб турди.

Гулдурос овация билан кутиб олинган Н. С. Хрушчев микрофон ёнига келади. У, митингга таклиф этилганлиги учун ташаккур билдиради.

Н. С. Хрушчев немис ишчилар синфининг кекса гвардиясини, поляк ишчилар синфининг кекса гвардиясини табриклайди.

Ишчилар синфи қандай чўққиларга эришди!— деб хитоб қилади Н. С. Хрушчев. Эндиликда ишчилар синфи революцион қўшиқлар айтиш билангина чекланмайди. Йўқ. Эндиликда ишчилар синфи куч ва қудратга эга бўлиб, ўз шиорларини меҳнат ва қурол кучлари билан қўллаб-қувватламоқда.

Н. С. Хрушчев, аввало, коммунист бўлиш, сўнгра эса немис, поляк, рус бўлиш керак, дейди. У, ишчилар синфига садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

Нотиқ бирлашган Германия Республикаси социалистик республика бўлади, деб ишонч билдиради.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, дейди Н. С. Хрушчев, гоят доно шиор ташладилар: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» Пролетарларнинг бу шиорини сақлаш керак, деб давом этади у. Биз барча мамлакатлар ишчилар синфи ўртасидаги дўстликни амалда чиниқтиришимиз керак.

Н. С. Хрушчев тинчлик чегарасидаги учрашувлар традицион бўлиб қолсин, деб таклиф қилади. Н. С. Хрушчев сўнгра социалистик мамлакатлар тинчлик учун, уруш қарши изчиллик билан кураш олиб бораётганликлари ҳақида гапиради. Ишчилар синфи ўз дунёсини, коммунистик дунёни урушларда эмас, балки синфий курашда қўлга киритмоқда. Н. С. Хрушчев таъкидлаб айтадики, совет халқи капиталистик мамлакатлардаги қурашаётган ишчилар синфи томонини олиб, қўллаб-қувватлайди, лекин Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмайди. Бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашиш —давлатлар ўртасидаги уруш демакдир, дейди Н. С. Хрушчев. Биз эса бунга қаршимиз.

Н. С. Хрушчев ўз нутқини Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик шарафига, коммунизм ғалабаси шарафига табрик хитоблари билан тамомлайди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич микрофон ёнига келади. Бу ерда, Одер соҳилларида, дейди у, биз биргаликда меҳнат қилмоқдамиз ва ҳамкорлигимиз кун сайин ривожланиб бормоқда. У, Н. С. Хрушчевнинг тинчлик чегарасидаги бу учрашувлар традицион бўлиб қолсин, деган таклифини қўллаб-қувватлайди.

Ю. Циранкевич Н. С. Хрушчевнинг тинчлик йўлидаги ташаббусини, унинг ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги ҳамда НАТО мамлакатлари билан Варшава шартномаси давлатлари ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузиш тўғрисидаги таклифларини табриклайди.

Ю. Циранкевич социалистик ҳамдўстликнинг энг буюк вазифаси тинчликни ҳимоя қилиш эканлиги ҳақида гапиради.

Ю. Циранкевич сўнгра айтадики, Германия проблемаси Германия сулҳ шартномасини тузиш йўли билан ҳал этилиши керак ва бу билан Ғарбий Берлин проблемаси ҳам ҳал этилади. У, Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг атомсиз зона вужудга келтириш ҳақидаги таклифини эслатиб ўтади ва бу таклифнинг амалга оширилиши бутун Германияни тинчлик зонасига айлантирган бўлур эди, деб кўрсатади.

Поляк ва немис халқлари ўртасидаги дўстлик, бутун социалистик лагернинг бирлиги тинчликни таъминлашга қўшилган энг катта ҳиссадир, дейди у.

Митинг қатнашчилари Ю. Циранкевич нутқини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Митинг охирида Э. Мюккенберг В. Ульбрихтга, Н. С. Хрушчевга ва Ю. Циранкевичга ташаккур билдиради. Майдонда овация янграйди.

Тошкентдаги «Компрессор» заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати шу завод лабораторияси коллективининг ишига ҳам боғлиқ. Бу ерда металлар механик синовдан ўтказилади. Суратда: лаборантка В. Краснухина.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ БРИГАДАЛАРИДА

# ТЕМИР ЎТДА, ОДАМ МЕҲНАТДА СИНАЛАДИ

## ИНОҚЛИК

Бригадамизга нуқул ёшлар йиғилган. Биз ҳамма вақт бир фикр, бир ўй билан меҳнат қиламиз. Доим меҳнат унумдорлигини оширсак, таннархини камайтирсак, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрласак деймиз. Шунинг учун ҳам ишимиз ўнгидан келмоқда.

Халқимиз «бирлашган ақл — жумбоққа чакин» дейди. Бригадада иноқлик бўлмаса, қанча ҳаракат қилинмасин, уриниш ҳеч қандай натижа бермайди. Биз ўзимизни бир оиланинг болаларидек ҳис қиламиз. Ака-укалардек бир-биримизга меҳр-муҳаббат қўйганмиз. Энг аввало илғорлигимизнинг сири ҳам мана шунда!

## УЧҚУНДАН АЛАНГА

Ўтган йил Октябрь байрами арафасида биз — темирчилик коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари 10- цех касаба союз комитетига шундай мазмунда ариза топширган эдик:

«Биз цех маъмурияти олдига участкамизда тайёрланаётган қабул камераларининг нормасини қайта кўриб чиқиш масаласини кўйишингизни сўраймиз. Бу узелларни тайёрлаш ва йиғишнинг нормасини 10-12 процентга кўтариш мумкин».

Бу фақатгина бизнинг юрагимиздаги гаплар эмас экан. Кўп ўтмай, бошқа цехларнинг ишчилари, бутун-бутун бригада коллективлари бу ташаббусни қувватлаб чика бошлашди. Учқундан аланга кўтарилди. Ташаббус корхонамиз доирасидан чиқиб, бошқа саноат корхоналарига ҳам ёйилди.

Бу бир кучимизга-ўн куч, бир ғайратимизга-ўн ғайрат қўшди. Ахир ўзи бошлаган ишни бошқалар ҳам қувватлаб чиқса, ким қувонмайди! Биз ҳар бир минут, секундларни ҳам ҳисобга олиб, оширилган нормани бажаришга киришдик. Кун сайин кўрсаткичларимиз яхшилана борио, аввалгидек ойлик планни ошириб адо эта бошладик. Айниқса, ўзимиз тайёрлаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишига эътиборни кучайтирдик. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини кўтаришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга имкон берди.

## ПИЛЛАПОЯЛАР

Биз коммунистчасига ишлашни ҳамма вақт бирор янгиликни рўёбга чиқариш орзусида ёниб юриш, ҳамма вақт юқори меҳнат унумдорлиги пиллапояларидан кўтарилиш деб тушунамиз. Илгари қабул камераларини тайёрлашга жуда кўп қўл кучи сарфлар эканмиз. Бу иш жараёнларини бемалол механизациялаштирса бўлар экан. Бундан ташқари ихтиёримиздаги пайванд аппаратини яна ҳам унумлироқ ишлатиш мумкин экан. Айниқса, пахта териш машиналари қабул камераларининг соддалаштирилиши бизга қўл келиб қолди.

Яқинда «ХВС-1,2М» пахта териш машинаси қабул камерасини тайёрлаш жараёнига яна бир янгилик киритдик. Аввал пахта териш машинасининг бу узели иккита мослама ёрдамида йиғиларди. Ҳозир худди ўша узелни битта мослама ёрдамида йиғяпмиз. Натижада бир операция қисқарди. Шу билан бирга меҳнат унуми ҳам кескин ортди. Илгари сменада кўпи билан 20 та машинага етарли 80 та қабул камера ишлаб чиқарган бўлсак, эндиликда 120-150 тага етказиб қабул камера тайёрлаяпмиз. Бу сменада 30-35 та пахта териш машинасига қабул камера ишлаб чиқариш деган сўз.

Бу янгилик устида бир киши бош қотириб, қолганлари бепарво юргани йўқ. Иш жараёнида ҳам, ишдан кейин ҳам бир қанча вақт ҳаммамизнинг фикр-ёдимиз шунда бўлди. Фикрлашдик, баҳслашдик. Ниҳоят иложини топдик. Ижодий хамкорлик самараси меҳнат унумдорлигини оширишда бригадани яна бир поғона юқорига кўтарди.

## ОРЗУЛАР ВА РЕЖАЛАР

Орзуга тўла юрак доим ёниб туради, дейишади. Бригадамизнинг ҳамма аъзолари орзу-умидли ёшлар. Масалан, Қўқон Хўжаевнинг бу йил институтга ўқишга кириш орзуси бор. У ҳозир тайёрлов курсида ўқимоқда. Ўн бир йиллик мактабни битириб, бригадага шогирд бўлиб келган Бахтиёр Йўлдошев ҳам билимга ташна ёшлардан. Фақат ҳозирча меҳнатда тобланиб олмоқчи. Шамсиддин Орзумуратовнинг эса бу йил орзуси ушалган йил бўлди. Кечки мактабда ўқиб, 10- синфни битириб чиқди. Владимир Мартинов Индустриал техникумида ихтисос эгалламоқда. Александр Ёқубов заводда ташкил этилган ихтисодий курсда ўқияпти. Ўзим эса яқинда техник-механик дипломини олдим. Келгуси йил институтга кириб ўқиш орзум бор.

Биз бригададагина эмас, ишдан ташқари пайтларда ҳам кўлгина вақтимизни биргаликда ўтказамиз. Бир-биримизникига бордикелди қиламиз. Бир-биримизнинг ҳурматимизни доим ўрнига қўямиз. Ҳурмат бор жойда меҳнат ҳам унумли бўлади. Оғир-енгилни ҳам, кувончни ҳам баравар баҳам кўрамиз.

Шу кунларда биз КПСС Марказий Комитети июль Пленуми материалларини ўрганиб чиқиб, эртанги кунниг режаларини тузяпмиз.

**У. ИРИСҚУЛОВ,**
**«Ташсельмаш» заводи 10-цехидаги коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.**

# ФАНГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

СССРда социалистик ва коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, революцион ўзгаришларни мардонавор амалга ошираётган совет халқининг жанговар йилномасини яратиш совет тарихчиларининг жонажон ишидир.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби сўнгги йилларда серқуёш Ўзбекистонда ҳам тарих фани жуда кўп янгиликлар билан — республика халқи ва тарихига бағишланган қизиқарли китоб ҳамда монографиялар билан бойиди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти томонидан 1963 йилда босиб чиқарилган Р. Аминованинг «Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги аграр сиёсати»1) монографияси ана шундай асарлардан биридир.

Бу китоб Ўзбекистонда Совет ҳокимияти амалга оширган дастлабки аграр сиёсат тарихига бағишланган. Улуғ Октябрь ўзбек деҳқонининг асрий орзуларини рўёбга чиқарди. У, ер ва сувнинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолади.

Китоб саҳифаларини варақлар эканмиз, автор жуда катта тарихий манбаларни ўрганиб, бой фактлар тўпланганлиги ва шу асосда Россия империясининг энг қолоқ чекка ўлкаларидан бири — Туркистонда Совет ҳокимияти 1917—1920 йилларда амалга оширган аграр қайта қуришлар тарихи кенг ёритилганлиги кишини қувонтиради. Автор Ўзбекистоннинг революцияга қадар бўлган ночор аҳволи, Совет ҳокимияти туфайли равнақ топганлиги ҳақида фикр юритиб, ана шу масалалар юзасидан муҳим назарий ва амалий хулосалар чиқарган.

Совет ҳокимияти амалга оширган ғоят оқилона аграр сиёсат кенг деҳқонлар оммасини асрий эксплуатация бўйинтуруғидан озод қилдигина эмас, балки уларни улуғ ижодкорлик ишига сафарбар этишга хизмат қилди. Шундай қилиб гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси йилларида ишчилар синфи билан деҳқонларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқи мустаҳкамланди. Хўжаликни бошқаришнинг янги формалари вужудга келди. Кейинчалик шулар асосида қишлоқ хўжалиги тўла коллективлаштирилди ва ўзбек деҳқонлари моддий-маданий тараққиёт йўлига ўтиб олдилар. Ана шу тарихий воқеаларни чуқур анализ қилиб, автор «дастлабки аграр қайта қурилишлар базасида янги социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга кела бошлади», деган хулосани чиқарган.

Тарихан қисқа давр ичида феодализмдан социализмга сакраб ўтган Ўрта Осиё Совет республикаларининг эришган улкан ютуқлари совет социалистик деҳқончилик хўжалигининг қолоқ якка хўжалик ва йирик капиталистик қишлоқ хўжалигидан бекиёс устунлигининг самарасидир. Бинобарин, дастлабки аграр қайта қурилишлар тарихини ўрганиш фақат илмий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам жуда катта аҳамиятга моликдир. Бу масала бизнинг кунларимизда, Коммунистик партия ва Совет давлати қишлоқ хўжалигида революцион ўзгаришларни амалга ошираётган бир пайтда ғоят актуалдир. Ленинча миллий сиёсат тантанаси туфайли равнақ топган Совет Ўзбекистонининг тарихий тажрибаси фақат қардош социалистик мамлакатлардагина эмас, балки Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустамлакачилик сиртмоғидан қутулиб, аграр проблемани меҳнаткашлар оммаси манфаатларини кўзлаб ҳал қилишга интилаётган ёш мустақил давлатларда ҳам катта қизиқиш туғдирмоқда.

Китобда ўзбек деҳқонларининг Коммунистик партия раҳбарлигида, ишчилар синфи билан мустаҳкам ҳамкорликда аграр масалани ҳал қилиш, қишлоқ хўжалигидаги қолоқ капиталистик муносабатларни илғор социалистик муносабатларга айлантириш учун олиб борган қаҳрамонона курашини кўрсатишга алоҳида эътибор берилган. Бу масалаларга тўғри боб бағишланган. Автор ғоят ишонарли фактлар асосида Ўзбекистон мисолида ўтмишда қолоқ бўлган ўлканинг капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, социализмга ўтиши мумкинлиги ҳақидаги марксча-ленинча назариянинг тантанасини яққол исботлаб берган. Совет Ўзбекистонининг ўрта аср жаҳолати ва қашшоқлигидан, шафқатсиз зулм ва эксплуатация кўпидан порлоқ социалистик қурилиш томон босиб ўтган йўли мустамлакачилик сиртмоғидан қутулиб, янги ҳаёт қураётган мамлакатлар учун ёрқин машъалдир. Авторнинг бу хулосаси ҳозирги даврда ғоят муҳим ва актуал аҳамиятга эга.

В. И. Ленин иқтисодий қолоқ халқларнинг социализмга бориш йўллари ҳақидаги марксча таълимотни янги тарихий шароитда ривожлантирди ҳамда уни амалга ошириш учун тинмай курашди. Доҳий илғор социалистик миллатлар иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган халқларни қўллаб-қувватлаган тақдирда улар ихтиёрий равишда бир-бирига яқинлашади ва шу асосда социализм учун курашни иборат умумий мақсад учун халқларнинг дўстона ҳамкорлигини вужудга келтиради, деб таълим берган эди. Мамлакатимизда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, В. И. Ленин, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келтиришда деҳқонлар хўжалигини кооперативлаштириш биринчи даражадаги вазифа деб айтди. В. И. Ленин ишлаб чиққан кооператив план мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистонда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида олиб борган катта революцион ишлар китоб саҳифаларида қизиқарли ҳикоя қилинган. Автор Коммунистик партия ва шахсан В. И. Ленининг аграр масалани ҳал қилишга нақадар катта аҳамият берганлигини чуқур, кенг баён этган.

Автор тарихни сохталаштирувчи буржуа маддоҳларининг қўёшли Ўзбекистон тарихи, маданиятини сохта тасвирлашга интилганликларини фош этиб, ўзбек деҳқонлари Улуғ Октябрь революциясини нақадар шодлик билан кутиб олганликларини кўрсатиб берган. Китобда келтирилган кўп мисолларда А. Парк ва Б. Ҳайит каби тарихни сохталаштирувчиларнинг, Туркистон халқлари учун большевикларда маълум аграр программа йўқ эди, деб қилган даъволари қуруқ бўхтон эканлиги исботланган. Дарҳақиқат, Коммунистик партия ўз фаолиятининг биринчи кунларидаёқ деҳқонлар масаласида аниқ йўл тутган. Коммунистик партия ўз аграр программасига эга эди. Советларнинг Бутун Россия II съезди ерга хусусий мулкчиликни бекор қилиш ҳамда деҳқонларнинг сув ва ердан бепул фойдаланиши ҳақидаги тарихий декретни эълон қилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, шахсан В. И. Ленин ана шундай революцион декретларни илмий асосда ишлаб чиқди, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайтадан қуришнинг кенг системасини амалга оширди.

Шу нарса қувончлики, асарда Ўрта Осиё шароитида ленинча аграр сиёсатни амалга оширишнинг ўзига хос қатор хусусиятлари ифодалаб берилган. Автор Туркистон коммунистлари ер ҳақидаги совет қонунини амалга оширишда учраган қийинчиликларни тасвирлаш орқали Совет ҳукуматининг, шахсан В. И. Ленининг ўлка коммунистларига кўрсатган жуда катта ёрдамини ҳаққоний кўрсатган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, монографияда илк социалистик хўжаликлар — коммуна, қишлоқ хўжалик артеллари, ўртоқчилик ташкилотларининг фаолияти ҳам эътибордан четда қолмаган.

Монография айрим жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас. Бизнингча, ерга эгалик, ердан ва сувдан фойдаланиш, суғориш, пахтачиликни ривожлантириш масалаларини баён этишда маълум пропорция сақланмаган. Шунингдек, таққиқот қилинаётган масалаларнинг географик чегарасини аниқ белгилаб олиш керак эди. Шу билан бирга китобда айрим такрор ўринлар ҳам учрайди.

Аммо қайд қилинган бу камчиликлар ғоят мазмундор асарнинг қийматига путур етказмайди, албатта. Р. Аминованинг бу китоби Ўзбекистонда социалистик қурилиш тарихини ўрганишда муҳим қўлланмадир. Тарих фанига қўшилган янги ҳисса бўлган бу китоб катта сиёсий аҳамиятга эга. СССРда аграр масаланинг одилона ҳал этилиши, айниқса, ўтмишда қолоқ бўлган ўлкаларнинг Совет даврида равнақ топиши тарихи Осиё, Африка, Латин Америкасидаги ёш мустақил давлатлар учун энг яхши намунадир. Бу китоб ана шу мамлакат халқларининг Ўзбекистон меҳнаткашлари эришган жуда катта ютуқлар билан янада яхшироқ танишишига ёрдам беради.

**Я. ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, тарих фанлари доктори.**
**А. БОБОХЎЖАЕВ,**
**тарих фанлари доктори.**
**М. ОХУНОВА,**
**тарих фанлари кандидати.**

1) **Р. Аминова.** Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917—1920 гг.). Ташкент — 1963.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

# ИНСТИТУТГА ЁРДАМ БЕРИЛДИ

**Газетамизнинг шу йил 15 май сонида «Институт ёрдамга муҳтож» сарлавҳали танқидий материал босилиб, унда Хоразм Давлат педагогика институти ишида қатор жиддий камчиликлар мавжуд эканлиги ва республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бунга етарли эътибор ва ёрдам бермаётганлиги танқид қилинган эди. Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари С. Сиговнинг редакциямизга ёзиб маълум қилишича, бу мақола министрликнинг коллегия мажлисида муҳокама қилиниб, мақолада келтирилган фактлар тўғри деб топилди. Коллегия Хоразм Давлат институтининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ва малакали илмий кадрлар билан таъминлаш соҳасида тегишли қарор қабул қилди.**

**Министрлик Хоразм педагогика институтига мамлакатимизнинг марказий шаҳарларидаги олий ўқув юртларининг аспирантураларида ўқиш учун 6 ўрин ажратган. Институтнинг «Биология ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни асослари» мутахассислиги бўйича студентлар қабул қилиш плани 25 кишига кўпайтирилди. Хоразм область мактабларининг физика ва математика ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжини назарда тутиб, 1963 йилда институтнинг «Физика ва умумий техника фанлари» мутахассислиги бўйича 25 киши қабул қилишга рухсат этилди. Бўлажак физика ўқитувчилари учун Тошкент Давлат университети электрофизика кафедраси профессор ва ўқитувчилари махсус лекциялар ўқийдилар.**

**Институт коллективи олиб бораётган илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш тадбирлари кўрилди. Келгуси йилларда институт ўқитувчиларининг илмий асарларини тўплам ҳолида нашр этиш планлаштирилди.**

# Н. С. ХРУШЧЕВ
## БЕРЛИНДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

БЕРЛИН, 4 июль. (ТАСС). Вальтер Ульбрихтнинг 70 ешга тўлишига бағишлаган тантаналар муносабати билан Германия Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турган Н. С. Хрушчев Берлиндан ўз Ватанига жўнаб кетди.

Шенефельд аэродромида Н. С. Хрушчевни Вальтер Ульбрихт ҳамда Германия Бирлашган социалистик партияси ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Азиз меҳмонга оқ йўл тилаб қолиш учун ўн мингларча берлинликлар шаҳар кўчаларига чиқдилар. Резиденциядан то аэродромгача бўлган бутун йўл давомида улар очиқ автомашинада кетаётган Н. С. Хрушчев билан В. Ульбрихтни самимий табрикладилар.

Аэродромда Вальтер Ульбрихт ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

В. Ульбрихт Н. С. Хрушчев билан самимий хайрлашиб, унинг Германия Демократик Республикасида бўлган кунлари Совет Иттифоқи халқлари билан немис халқи ўртасидаги самимий дўстлик кунлари бўлди, деб таъкидлади.

В. Ульбрихт ўз нутқида Н. С. Хрушчев Берлиндаги митингда сўзлаган нутқида бутун дунё халқларига қарата айтган таклифлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Н. С. Хрушчевга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Н. С. Хрушчев жавоб нутқида уни Германия Демократик Республикасида яхши кутиб олганликлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

У, Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги самимий дўстлик ва Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамнинг далилидир.

Ишчилар синфи қандай чўққиларга эришди!— деб хитоб қилади Н. С. Хрушчев. Эндиликда ишчилар синфи революцион қўшиқлар айтиш билангина чекланмайди. Йўқ. Эндиликда ишчилар синфи куч ва қудратга эга бўлиб, ўз шиорларини меҳнат ва қурол кучлари билан қўллаб-қувватламоқда.

Н. С. Хрушчев, аввало, коммунист бўлиш, сўнгра эса немис, поляк, рус бўлиш керак, дейди. У, ишчилар синфига садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

Нотиқ бирлашган Германия Республикаси социалистик республика бўлади, деб ишонч билдиради.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, дейди Н. С. Хрушчев, ғоят доно шиор ташладилар: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» Пролетарларнинг бу шиорини сақлаш керак, деб давом этади у. Биз барча мамлакатлар ишчилар синфи ўртасидаги дўстликни амалда чиниқтиришимиз керак.

Н. С. Хрушчев тинчлик чегарасидаги учрашувлар традицион бўлиб қолсин, деб таклиф қилади. Н. С. Хрушчев сўнгра социалистик мамлакатлар тинчлик учун, уруш қарши изчиллик билан кураш олиб бораётганликлари ҳақида гапиради. Ишчилар синфи ўз дунёсини, коммунистик дунёни урушларда эмас, балки синфий курашда қўлга киритмоқда. Н. С. Хрушчев таъкидлаб айтадики, совет халқи капиталистик мамлакатлардаги қурашаётган ишчилар синфи томонини олиб, қўллаб-қувватлайди, лекин Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмайди. Бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашиш —давлатлар ўртасидаги уруш демакдир, дейди Н. С. Хрушчев. Биз эса бунга қаршимиз.

Н. С. Хрушчев немис ишчилар синфининг кекса гвардиясини, поляк ишчилар синфининг кекса гвардиясини табриклайди.

Ишчилар синфи қандай чўққиларга эришди!— деб хитоб қилади Н. С. Хрушчев. Эндиликда ишчилар синфи революцион қўшиқлар айтиш билангина чекланмайди. Йўқ. Эндиликда ишчилар синфи куч ва қудратга эга бўлиб, ўз шиорларини меҳнат ва қурол кучлари билан қўллаб-қувватламоқда.

Н. С. Хрушчев, аввало, коммунист бўлиш, сўнгра эса немис, поляк, рус бўлиш керак, дейди. У, ишчилар синфига садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

Нотиқ бирлашган Германия Республикаси социалистик республика бўлади, деб ишонч билдиради.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, дейди Н. С. Хрушчев, ғоят доно шиор ташладилар: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» Пролетарларнинг бу шиорини сақлаш керак, деб давом этади у. Биз барча мамлакатлар ишчилар синфи ўртасидаги дўстликни амалда чиниқтиришимиз керак.

Н. С. Хрушчев тинчлик чегарасидаги учрашувлар традицион бўлиб қолсин, деб таклиф қилади. Н. С. Хрушчев сўнгра социалистик мамлакатлар тинчлик учун, уруш қарши изчиллик билан кураш олиб бораётганликлари ҳақида гапиради. Ишчилар синфи ўз дунёсини, коммунистик дунёни урушларда эмас, балки синфий курашда қўлга киритмоқда. Н. С. Хрушчев таъкидлаб айтадики, совет халқи капиталистик мамлакатлардаги қурашаётган ишчилар синфи томонини олиб, қўллаб-қувватлайди, лекин Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмайди. Бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашиш —давлатлар ўртасидаги уруш демакдир, дейди Н. С. Хрушчев. Биз эса бунга қаршимиз.

Шенефельд аэродромида Н. С. Хрушчевни Вальтер Ульбрихт ҳамда Германия Бирлашган социалистик партияси ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Азиз меҳмонга оқ йўл тилаб қолиш учун ўн мингларча берлинликлар шаҳар кўчаларига чиқдилар. Резиденциядан то аэродромгача бўлган бутун йўл давомида улар очиқ автомашинада кетаётган Н. С. Хрушчев билан В. Ульбрихтни самимий табрикладилар.

Аэродромда Вальтер Ульбрихт ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

В. Ульбрихт Н. С. Хрушчев билан самимий хайрлашиб, унинг Германия Демократик Республикасида бўлган кунлари Совет Иттифоқи халқлари билан немис халқи ўртасидаги самимий дўстлик кунлари бўлди, деб таъкидлади.

В. Ульбрихт ўз нутқида Н. С. Хрушчев Берлиндаги митингда сўзлаган нутқида бутун дунё халқларига қарата айтган таклифлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Н. С. Хрушчевга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Н. С. Хрушчев жавоб нутқида уни Германия Демократик Республикасида яхши кутиб олганликлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

У, Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси халқлари ўртасидаги самимий дўстлик ва Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамнинг далилидир.

Ишчилар синфи қандай чўққиларга эришди!— деб хитоб қилади Н. С. Хрушчев. Эндиликда ишчилар синфи революцион қўшиқлар айтиш билангина чекланмайди. Йўқ. Эндиликда ишчилар синфи куч ва қудратга эга бўлиб, ўз шиорларини меҳнат ва қурол кучлари билан қўллаб-қувватламоқда.

Н. С. Хрушчев, аввало, коммунист бўлиш, сўнгра эса немис, поляк, рус бўлиш керак, дейди. У, ишчилар синфига садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

Нотиқ бирлашган Германия Республикаси социалистик республика бўлади, деб ишонч билдиради.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс, дейди Н. С. Хрушчев, ғоят доно шиор ташладилар: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» Пролетарларнинг бу шиорини сақлаш керак, деб давом этади у. Биз барча мамлакатлар ишчилар синфи ўртасидаги дўстликни амалда чиниқтиришимиз керак.

Н. С. Хрушчев тинчлик чегарасидаги учрашувлар традицион бўлиб қолсин, деб таклиф қилади. Н. С. Хрушчев сўнгра социалистик мамлакатлар тинчлик учун, уруш қарши изчиллик билан кураш олиб бораётганликлари ҳақида гапиради. Ишчилар синфи ўз дунёсини, коммунистик дунёни урушларда эмас, балки синфий курашда қўлга киритмоқда. Н. С. Хрушчев таъкидлаб айтадики, совет халқи капиталистик мамлакатлардаги қурашаётган ишчилар синфи томонини олиб, қўллаб-қувватлайди, лекин Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмайди. Бошқа мамлакатларнинг ишларига аралашиш —давлатлар ўртасидаги уруш демакдир, дейди Н. С. Хрушчев. Биз эса бунга қаршимиз.

# ҒАЙРАТ ЖЎШ УРМОҚДА

**(МУХБИРЛАР ХАТИДАН)**

Редакцияга келаётган хат-хабарларда сергайрат ишчиларимиз, ижодкор инженер-техник ходимларимиз маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш, сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш учун курашда қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳикоя қилинади.

— Корхонамизда янги-янги ташаббуслар юзага келаётир, — деб ёзади Марғилон ипак комбинатининг ишчиси **А. Гафуров.** — КПСС аъзоси Муҳаммаджон Холматов бригадаси тўқувчиларининг ҳар бири 5-6 тадан станок бошқариш

**„СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ“**
**Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон учун**

# ПАХТАЧИЛИКДАГИ ҲАММА РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛАЙЛИК

*С. ВЕСЕЛОВ,*
*КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси раисининг ўринбосари*

СОВЕТ кишилари ўз Ватанига зўр ғурур ва ифтихор билан қараб, КПСС XXII съезди қабул қилган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга оширмоқдалар. Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашлари ҳам коммунизм қурилишидан иборат умумхалқ ишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўрта Осиё республикаларининг колоқлиги тўғрисидаги тушунча абадий йўқ бўлиб кетди. Ҳозир бу район индустрияси ва қишлоқ хўжалиги ривожланиб, фан ва маданияти гуллаб-яшнаётган ўлкадир. Ўрта Осиё республикалари жуда тез ривожланиб, кўпгина капиталистик мамлакатларга етиб олдилар ва ўзиб кетдилар.

Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотида Ўрта Осиё республикалари зиммасига жуда шарафли вазифа — мамлакатни пахта билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Давлатимиз бу қимматли хом ашёнинг 90 процентдан кўпрогини шу ўлкадан олади. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ССРнинг Чимкент области меҳнаткашлари пахта етиштиришни муттасил кўпайтириб боришни ўзларининг Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар ва социалистик лагердаги мамлакатлар олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб биладилар.

Ўрта Осиё — ягона суғориш манбаига эга бўлган йирик суғориладиган ерли ўлкадир. Сирдарё Тянь-Шан тоғларидан бошланиб, ўз сувини Қирғизистондан Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон далаларига оқизади. Вахш дарёсининг кучли тўлқинлари Панж дарёси билан қўшилиб, Ўрта Осиёдаги энг йирик Амударёни ҳосил қилади. У ўзининг ҳаётбахш сувлари билан қардош республикаларнинг пахта далаларини суғоради.

Айниқса КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин пахтачилик тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Никита Сергеевич Хрушчевнинг Ўрта Осиё республикаларида бир неча марта бўлиши, унинг кўрсатмалари ва маслаҳатлари совет пахтачилигини юксалтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Совет пахтачилиги тарихида кейинги ўн йил қандай муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини тушуниш учун бу вақтда пахта майдонлари ярим миллион гектарга кенгайиб, 42,5 миллион тонна пахта етиштирилганлигини айтишнинг ўзи кифоядир. Бу — Совет ҳокимияти йилларида бизнинг мамлакатимизда етиштирилган жами пахтанинг қарийб ярмини ташкил этади.

Ҳозир бизнинг мамлакатимизда ҳар йили 4,3—4,6 миллион тонна пахта етиштирилмоқда. Бу урушгача бўлган даврдагига нисбатан 2 баравар кўпдир. Лекин эришилган бу марра мамлакатнинг ўсиб бораётган талабларини қондиролмайди. Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси тўғрисида қилган докладида 1980 йилга бориб, пахта етиштиришни 10—11 миллион тоннагача етказиш вазифасини қўйди. Бу вазифа суғориладиган майдонларни кенгайтириш, шунингдек, пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига муваффақиятли ҳал этилади. Чигит экиладиган майдонлар икки баравар кенгаяди.

Суғориладиган майдонлар, аввало, табиий иқлим шароити пахта етиштиришга қулай бўлган Ўрта Осиё республикаларида кенгайтирилади. Биринчи навбатда Қорақум канали зонасидаги бепоён массивлар, Мирзачўл ва Қарши даштлари, Чимкент областидаги ерлар ўзлаштирилади. Янги ерларни ўзлаштириш вазифаси махсус ташкил этилган Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармасига, шунингдек, пахта етиштирувчи республикаларнинг сув хўжалиги министрликлари зиммасига юкланади.

1970 йилгача белгиланган перспектив план лойиҳаси бўйича Ўрта Осиё республикаларида қарийб 1,5 миллион гектар янги ерлар тайёрланиши керак. Бунда Мирзачўл ерларини ўзлаштиришдаги бой тажрибалардан фойдаланилади. Дунёнинг ҳали ҳеч бир ерида чўлларни бунчалик кенг миқёсда комплекс ўзлаштириш амалга оширилмаган. «Голодностепстрой» коллективи фан ва техниканинг янги ютуқларини кенг қўлланиб, қарийб 100 минг гектар майдонда ҳосилдор воҳалар барпо этди, ирригация ва мелиорация тармоқларини вужудга келтирди. Бу ерда 500 километр узунликдаги лоток ва 400 километр узунликдаги ер ости труба — ариқлар қурилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта бу ерда сув пахта далаларига кўп сув буғланиб кетадиган оддий ариқлардан эмас, балки очиқ ва ёпиқ темир-бетон ариқлардан оқиб бормоқда.

1961 йилнинг ноябрида Н. С. Хрушчев Мирзачўлда бўлганида, Мирзачўл ишлаб чиқаришни ва турмушни коммунистчасига ташкил этишнинг тимсоли бўлади ва бўлиши керак. СССРнинг бир қатор районларида ишлаб чиқариш турмушдан ўзиб кетяпти, бу ерда — Мирзачўлда эса турмуш ишлаб чиқариш билан баравар бормоқда деган эди. Ҳақиқатан ҳам кечагина ҳувиллаб ётган бепоён чўлларда обод ва кўркам, теп-текис йўлли, электрлаштирилган, телефонлаштирилган, водопроводлаштирилган посёлкалар қад кўтарди ва қад кўтармоқда. Чўл ҳужумкорлари шаҳарликлар сингари турмуш шароитига эга бўлмоқдалар.

Бу ютуқларни айтиб ўтиш билан бир қаторда, Мирзачўлда яхши тажрибалар билан бирга, нуқсонлар ҳам борлигини эслатиб ўтиш зарур. Бу камчиликлардан энг муҳими зовурларни лойиҳалашни ҳисобга олмаслиқдир. Ҳар гектар ер ҳисобига коллектор-зовур қуришда тармоқлар камайтириб юборилган. Сизот сувларни оқизиб юбориш масаласи ҳам узил-кесил ҳал этилмаган. Шунга қарамай қурилиш ташкилотлари коллектор-зовурлар қуриш юзасидан планда белгиланган ишларнинг ҳаммасини бажармаётирлар. Шу сабабли қўриқ ердаги айрим совхозларда ерларнинг қайта шўрланиши, ер ости сувларининг кўтарилиши ва юзлаб гектар суғориладиган майдонларнинг яроқсиз бўлиб қолиши каби фактлар содир бўлмоқда.

Мирзачўлдаги совхозларда ёпиқ ва вертикаль зовурлар қуриш, шунингдек, ғўзани суғоришда илғор усуллардан фойдаланиш ишлари жуда сустлик билан амалга оширилмоқда. Суғоришда пластмассадан ясалган сифон трубалардан ва суғоришдаги бошқа янги усуллардан деярли фойдаланилмаётир. Хўжаликлар шу пайтгача эгилувчан полиэтилен шланглар билан таъминланмаган. Натижада улар оғир бризент шланглардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Мирзачўлни ўзлаштиришда йўл қўйилган бу камчиликлар ҳозир тузатилмоқда. Энди янги массивларни ўзлаштиришда бу нуқсонларнинг такрорланишига йўл қўймаслик керак.

ЎРТА ОСИЁда чўлларни ўзлаштириш умумхалқ ишидир. Мирзачўлда янги хўжаликлар тузишда, Қорақум канали ҳамда янги сув омборларини барпо этишда бутун мамлакат қатнашмоқда. Бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 100 миллионлаб сўм маблағ ажратилаётир. Ўнлаб йирик заводлар бу ерга машиналар юбормоқда. Лекин бу объектларда ишнинг боришини, қурилиш суръати ва сифатини доимий кузатиб бориш масъулияти Ўрта Осиё республикалари партия ва совет ташкилотлари зиммасига тушади. Қўриқ ерларни ўзлаштиришга эътиборни кучайтириб, суғориладиган майдонларни тезроқ фойдаланишга топшириш — бизнинг бурчимиз, энг биринчи вазифамиздир.

Ҳосилдорликни ошириш — пахта етиштиришни кўпайтиришдаги энг муҳим резервлардандир. Пахтачиликни ривожлантириш перспектив планлари республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларида, Ўрта Осиё пахтачилик давлат комитети ва КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросида муҳокама қилинганида ҳосилдорликни ошириш учун жуда катта резервлар борлиги маълум бўлди. Ўтган йили Ўзбекистонда ҳар гектар ердан 19,2 центнердан, Тожикистонда 21,1 центнердан, Туркманистонда 15,5 центнердан, Қирғизистонда 15,7 центнердан, Чимкент областида эса 15,9 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Бу, Ўрта Осиё учун паст кўрсаткичдир.

Ҳатто бир республиканинг ўзида ҳам ҳосилдорлик бир-биридан кескин фарқ қилувчи жойлар бор. Хоразм пахтакорлари ҳар гектар майдондан 29,5 центнердан ҳосил кўтарган бир пайтда, бухороликлар улардан икки баравар кам ҳосил олмоқдалар. Тожикистон республикасида ҳамма хўжаликларнинг тенг ярмида ҳар гектар ердан 10 центнердан 20 центнергача ҳосил олинмоқда. Туркманистон ССРдаги колхоз ва совхозларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ҳар гектар ердан 10—15 центнердан ҳосил олмоқда. Қирғизистонда эса 62 хўжаликдан 18 таси ҳар гектар ердан 10 центнергача ҳосил олмоқда. Пахта етиштиришни кўпайтиришнинг улкан резерви мана қаерда яшириниб ётибди. Никита Сергеевич Хрушчев буни бизга бир неча бор таъкидлаб, ҳар бир хўжаликда гектаридан камида 25 центнердан ҳосил кўтарилишини таъминлаб, партиямиз томонидан қўйилган вазифани бажаришимиз зарур, деган эди-ку.

Ўрта Осиё республикаларида бу вазифалар реал, уни бажариш мумкин эканлигини амалда кўрсатаётган илғор хўжаликлар, ишлаб чиқариш новаторлари жуда кўп. Ҳозирнинг ўзидаёқ юзлаб колхоз ва совхозлар, бригада ва звенолар экин майдонларининг ҳар гектаридан йил сайин 25-40 центнердан ҳосил кўтармоқдалар. Ўзбекистон ССРдаги «Совой» ва «Пахтаорол» совхозлари, «Политотдел», «Коммунизм», «Ленинизм» колхозлари, Тожикистон ССРдаги Куйбишев номли совхоз, Ленин номли колхоз, Қирғизистон ССРдаги Жданов номли колхоз, Туркманистон ССРдаги Тельман номли колхоз ва бошқа хўжаликлар шулар жумласидандир.

Лекин ҳамма жойда ҳам ҳосилдорликни оширишдаги резервлардан фойдаланилмаётганлигини тан олиш керак. Туркманистонда ҳар йили ирригация қурилишлари ва суғориладиган майдонларни кенгайтиришга капитал маблағ ажратиш кўпаяпти, аммо пахта етиштириш кўпайиш ўрнига 1958 йилдагига нисбатан ҳам камайиб кетди. Айрим раҳбарлар бу аҳволни оқлаш учун кўпгина баҳоналарни рўкач қиладилар. Асосий сабаб— бу жойларда пахтакор кадрлар билан ишлашга етарли аҳамият берилмаётганлиги ва суғориладиган ерлардан нотўғри фойдаланилаётганлигидир.

Пахта ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан далаларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Ўрта Осиё республикаларида бу ишда катта камчиликлар мавжуд. Ҳолбуки, бу ерда қарийб 1,5 миллион гектар ўртача ва кучли шўрланган ер бор.

Пахта далаларининг шўрланиши умуман йўқотиб бўлмайдиган бир офат эмас, балки у деҳқончилик маданиятининг пастлигини кўрсатади. Хоразм колхозларида кейинги бир неча йил мобайнида бу офат рўй бермади. Бу — бечиз эмас. Бу ерда зарур мелиоратив ишлар амалга оширилмоқда. Областда суғориладиган ҳар гектар ер ҳисобига 26 погон метр коллектор-зовур тайёрланди. Ер ости сувлари махсус коллекторларга оқизилиб, тупроқнинг шўрланишига йўл қўйилмайди. Шу областга қўшни бўлган Туркманистон ССРнинг собиқ Тошовуз областидаги районларида эса ҳайдаладиган ҳар гектар ер ҳисобига 7 погон метр, Мурғоб водийсидаги районларда эса 2 метрдан ҳам кам коллектор-зовур тармоғи тўғри келади.

Бухоро области, Қорақалпоғистон АССР ва Қўқон-Чоржўй группа районларидаги суғориладиган йирик массивларда мелиорация тармоқлари ривожлантирилмаган. Айрим хўжаликлардаги мавжуд коллектор-зовурлар тармоғи қаровсиз холда ташландиқ бўлиб ётибди. 1970 йилгача белгиланган перспектив планда кўрсатилишича, Ўрта Осиё республикаларининг колхоз ва совхозларида 1 миллион гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши керак. Бу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида пахта ҳосилдорлигини анча ошириш имконияти туғилади.

Ўз кучлари билан янги коллектор-зовурлар қуриш, реконструкция қилиш имкониятига эга бўлмаган кўпгина колхозлар бор. Шу сабабли «Союзсельхозтехника» системасида махсус мелиоратив отрядлари тузиб, уларни замонавий механизмлар билан таъминлаб, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифаси шу отрядларга юклатилса маъқул бўлур эди.

Тупроқнинг шўрланишига қарши кураш ҳозир биринчи даражали проблема бўлиб қолмоқда. Бу масала фақат хўжалик ходимларигина эмас, балки пахтакор республикаларнинг партия ташкилотлари, Ўрта Осиё пахтачилик давлат комитетининг ҳамда Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши Бош бошқармаси раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳам жиддий эътибор беришлари кераклигини талаб қилмоқда. Шу муносабат билан шуни айтиш керакки, пахтачилик давлат комитети ва унинг илмий муассасалари шароитни ҳисобга олган ҳолда Ўрта Осиё зоналари бўйича зовурлар қуриш юзасидан тавсияномалар тузиб чиқишни тезлаштиришлари лозим.

Пахтадан мўл ҳосил олишда сув ҳал қилувчи шартлардан биридир. Халқда: «Сув тамом бўлган ерда ҳаёт ҳам тугайди» деган мақол бор. Ўрта Осиё дарёларидан йил давомида оқиб келадиган сув бу жойларда суғориладиган майдонларни 2-3 баравар кенгайтириш имконини беради. Амалда эса ҳатто ҳозир мавжуд бўлган майдонлардаги ғўза ҳам сув билан етарли миқдорда таъминланмаётир. Гап шундаки, Ўрта Осиёнинг асосий сув томирлари — Амударё ва Сирдарё шу пайтга қадар бошқарилмаётир. Серсув Амударёнинг оқимида бирорта ҳам тўғон, сув тақсимлагич қурилмаган. Унинг қуйи қисмида эса сув олиш учун кўп ҳолларда табиат инжиқликларига кўз тикиб турилади. Вегетация даврида кўпчилик ишлаб чиқариш бошқармаларида шу жумладан, йирик пахта базалари — Фарғона ва Зарафшон водийларида ҳам сув танқис бўлиб қолади.

Ҳозир Ўрта Осиё республикаларида гидротехник иншоотлар қуриш ва асосий сув магистралларининг оқимини бошқариш юзасидан катта ишлар бошлаб юборилди. Норин дарёсида Тўқтағул сув омбори қурилмоқда. Сирдарёда Чордара сув омбори қурилиши тугалланмоқда. Қорадарёда Кампирровот, Чирчиқда Чорвоқ сув омборлари қуриш ишлари кучайтириб юборилди. Амударёда Тахиатош ва Қизилоёқ тўғонларини қуриш лойиҳалаштирилди. Бу планларнинг амалга оширилиши натижасида суғориладиган қарийб 1,5 миллион гектар ер сув билан яхши таъминланади, янги массивлар ўзлаштирилиб ишга туширилади.

Никита Сергеевич Хрушчев механизация пахтачиликни тараққий эттиришнинг туб масаласи эканлигини таъкидламоқда. Партия ва ҳукуматнинг жуда катта ёрдами натижасида сўнгги йилларда пахтазорларга қудратли техника кириб келди. Ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш, далага ўғит солиш, ғўзалар баргини тўктириш каби кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнлари тўла механизациялаштирилди. Бир миллион гектарга яқин майдонга чигит квадрат-уялаб, катта майдонларга уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан экилмоқда. Ҳосилни машинада териб олиш яхши натижа бераётир.

Дастлабки қадамлар қўйилди. Эндиликда механизация пахтачиликни ривожлантиришнинг асосий йўли эканлигига ҳамма ишонч ҳосил қилди. Комплекс механизация туфайли пахта ҳосилдорлигини оширган, маҳсулот етиштиришга меҳнат ва маблағ сарфини кескин камайтирган ўнлаб хўжаликларнинг номини келтириш мумкин. Пахтачиликни механизациялаш машъаллари орасида ўтган йили машиналар билан 7,5 минг тонна ёки ҳамма ҳосилнинг 60,5 процентини териб олган «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, машинада 7,5 минг тонна пахта ёки ҳосилнинг 53,8 процентини териб олган «Совой» совхози, 3 минг тонна — барча ҳосилнинг 69,7 процентини машинада териб олган «Малик» совхози бор. Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг механизаторлари 3 минг тоннага яқин пахта тердилар, бу умуман йиғиштириб олинган ҳосилнинг 62 процентини ташкил этади.

Ўзбекистон ССРнинг кўпгина хўжаликлари пахта далаларида машиналар комплексидан фойдаланишда катта тажриба тўпладилар. Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Мелиқўзи Умрзоқов, Саодат Гулаҳмедова, Турсуной Раимова, Мария Ковалева каби механизациянинг ажойиб новаторлари номи бутун мамлакатга машҳур бўлганлиги ҳам бечиз эмас. Бироқ, кўпгина коллективлар машъаллар, илғор хўжаликлар, бригадалар ва звенолар билан ёнма-ён туриб, сўнгги вақтгача эскичасига ишламоқдалар, механизмлардан ёмон фойдаланмоқдалар ва оқибатда орқада қолмоқдалар.

Шу йил баҳорда Турсуной Охунова ва Валентин Тюпко ажойиб ташаббусни бошлаб бердилар. Улар илғор бригададан қолоқ бригадага ишга ўтдилар. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида илғор бригадалар, звеноларнинг мингдан ортиқ командирлари, шунингдек, хўжаликларнинг ўнлаб раҳбарлари Турсуной Охунова ва Валентин Тюпко ташаббусига қўшилдилар. КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси томонидан маъқулланган бу ҳаракат Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ҳам қўллаб-қувватланди.

Ҳозирги пайтда асосий масала муҳим ватанпарварлик ташаббусининг дастлабки муваффақиятларини мустаҳкамлаш, барча қишлоқ меҳнаткашларини қолоқ хўжаликлар, бригадалар ва звеноларни илғорлар даражасига кўтариш учун курашга жалб этишдан иборат. Қўшнининг ери ўгай эмас. Бу социалистик принцип ҳар бир республикада, областда, ишлаб чиқариш бошқармасида амалга оширилиши керак.

Ҳосилни машинада териб олиш пахтачиликни комплекс механизациялашнинг асосий звеносидир. Пайкалнинг яхши текисланиши, қаторларнинг тўғри, квадратларнинг аниқ бўлиши, ғўза тупларининг нормал қалинлиги, уларнинг ётиб қолмаслиги, даланинг бегона ўтдан тоза бўлиши, дефолиация — машина териминининг сўзсиз шартларидир. Шунинг учун ҳам бу ишлар диққат марказида бўлиши, партия органлари, ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, бригадирлар ва механизаторлар бу ишларга доимий эътибор беришлари зарур.

Ўтган йили Ўрта Осиё колхозлари ва совхозлари машиналар билан 382 минг тонна пахта тердилар. Бу ҳосилнинг 10 процентини ташкил этади. Айрим хўжаликларда эса кўрсаткичлар бундан ҳам пастроқ. Баъзи жойларда хўжаликларнинг раҳбарлари пахта териш техникасига йўл очиб бермаётирлар, янги технология кучига ишонмаётирлар, машиналарнинг тўхтаб туришига ва улардан ёмон фойдаланилишига бефарқ қарамоқдалар. Бундай практикага кескин зарба бериш, ҳосилни машинада теришга кенг йўл очиб бериш партия ташкилотларининг бурчидир.

Бу йил Ўрта Осиё республикалари пахта далаларига 17 мингта пахта териш машинаси чиқади. Бу машиналар билан бир миллион тоннага яқин пахта — ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан ортиқроқ ҳосил териб олиниши керак. Бу — катта вазифадир. Лекин кўпгина ишлаб чиқариш бошқармалари бу ишга суст тайёргарлик кўрмоқда. Механик-ҳайдовчи кадрлар масаласи айниқса ташвиш туғдирмоқда. Ўзбекистонда пахта териш машиналарининг тўхтовсиз ишлаши учун 5000 механик-ҳайдовчи етишмайди. Бироқ, республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» ва бир қатор ишлаб чиқариш бошқармаларининг раҳбарлари амалий чоралар кўрмаётирлар. Бундай бепарволик йиғим-терим вақтида техниканинг кўплаб бекор туриб қолишига олиб келиши мумкин. Пахта терими эса яқинлашиб келмоқда.

Конструкторларимиз ва ишчиларимиз яхши пахта териш машинаси «ХВС-1,2»ни яратдилар. Бу машина бир неча йиллардан буён колхоз ва совхозларда ишлатилмоқда. «Ташсельмаш» заводи яқин орада иш органлари яхшиланган, вентиляторлик, бункери катталаштирилган ва бошқа жиҳатлардан мукаммаллаштирилган осма пахта териш машинаси ишлаб чиқаришга киришади. Ҳозирги пайтда олимлар ва конструкторларнинг фикр-зикри юксак унум билан ишлайдиган тўрт қаторли пахта териш машинаси конструкциясини ишлаб чиқишга қаратилган. КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси ва Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши пахтачиликдаги барча процессларни тўла механизациялаш учун машиналар комплекси яратиш мақсадида конструкторлик кучларини бирлаштириш чораларини кўрмоқда.

Конструкторлик бюроларининг диққат-эътиборини яқин орада хўжаликлар учун энг қулай бўлган ер текислайдиган содда механизмлар яратишга қаратмоқ керак. Бу эса колхоз ва совхозларга далаларни экишга тайёрлашни анча яхшилаш, бу иш жараёнида қўл меҳнати сарфини мумкин қадар камайтириш имконини беради.

Пахта тозалаш саноати ишини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш керак. Пахта тозалаш саноатининг ҳозирги режими қўлда терилган пахтани қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга мосланган. Теримни механизациялаш ҳажмининг оширилиши саноат ходимларини ғафлатда қолдирди. Колхоз ва совхозлар пахтани бевосита бункердан тайёрлаш пунктларига жўнатиш ўрнига буни қуритиш ва тозалашга кўп вақт ва маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқдалар.

Пахта заводларида хом ашё сортини ва сифатини аниқлашнинг янги методлари сусткашлик билан жорий этилмоқда. Пахта заводларида ҳамон пахта сортини кўз билан чамалаб аниқлаш усули қўлланиляпти. Пахтани қабул қилиб олишнинг ҳозирги нормативлари (ГОСТлар) машина терими шартларига мувофиқ келмайди ва аслида, машина теримига тўсқинлик қилмоқда. Пахтани қабул қилиб олиш нормативларини қайта кўриб чиқиш ва уни янги технологияга мослаштириш керак. Нормативлар пахта теримини мумкин қадар тўлароқ механизациялашни рағбатлантириши лозим.

ПАХТАЧИЛИКНИНГ бундан буёнги тараққиёти кўп жиҳатдан минерал ўғитларга, бегона ўтлар, касалликлар ва ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши курашнинг химиявий воситаларига боғлиқдир. Сўнгги йилларда пахтакор хўжаликларга минерал ўғит етказиб бериш кўпайди. Бироқ, экин майдонлари кенгайтирилганлиги муносабати билан ҳар гектар ерга солинадиган ўғит миқдори жуда кам ошди. Бунинг устига айрим олимлар ишнинг моҳиятига тушуниб етмаган ҳолда пахта майдонларининг фосфорлашиб кетганлиги ҳақидаги «назария»ни олға сурдилар ва ғўзага солинадиган фосфор нормасини камайтиришни тавсия этдилар. Бу хато хулосалар ҳосилга жиддий путур етказмоқда ва улар дарҳол қайта кўриб чиқилиши керак.

Ўрта Осиё республикалари ҳар йили Россия Федерациясидан 1 миллион тоннадан ортиқ минерал ўғит ташиб келтирадилар. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатмоқдаки, шу жойнинг ўзида ўғит ишлаб чиқариш ҳисобига яқин 3-4 йил ичида бу қиммат тушаётган ўғит ташиб келтиришни тўхтатиш мумкин. Лекин бу масала амалий тарзда ҳал этилса ҳам, аввалгидек дефолиантлар ва гербицидлар ишлаб чиқариш проблемаси ҳал этилмай қолмоқда. Пахтакорлар ғўза баргини тўктириш учун юқори сифатли дефолиантлар йўқлиги пахтани машинада териб олишни кенг жорий этишга тўсқинлик қилаётганлигини химикларга қайта-қайта эслатмоқдалар.

Гербицидларга келганда эса шуни айтиш керакки, химиклар бир неча йилдан буён шу ҳақда гапирадилар. Бироқ, афсуски, икки миллион 166 минг гектар пахта майдонидан бу йил тажриба тариқасида атиги бир неча юз гектарини гербицидлар билан ишлашга муваффақ бўлинди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Химия ва нефть саноати давлат комитети пахтачиликнинг заҳарли дориворларга, гербицидларга ва дефолиантларга тобора ўсиб бораётган талабини тезроқ қондириш учун бутун чораларни кўради, деб умид қиладилар.

Бу йил Ўрта Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл пахта ҳосили учун курашни мураккаб об-ҳаво шароитида бошладилар. 400 минг гектардан ортиқ майдонга чигитни қайта экишга, катта-катта майдонларда оласига экишга тўғри келди.

Ҳукумат дўл ва селдан катта зарар кўрган колхоз ва совхозларга қўшимча минерал ўғит ва қишлоқ хўжалик техникаси юбориб, жуда катта ёрдам кўрсатди. Ҳарорат режими ва сув билан таъминланганлик ғўзанинг ривожланиши учун қулай шароит яратди. Эндиликда ҳосилнинг тақдири далаларда ишни ташкил эта билишга боғлиқ. Бунда ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Улар тўғри йўлдан бораётганликларини ва катта ташкилотчилик ишларини амалга ошираётганликларини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

КЎПГИНА ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг, колхозлар ва совхозлар бошланғич партия ташкилотларининг тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар қишлоқ меҳнаткашларини асосий вазифани ҳал қилишга — шу йилнинг ўзидаёқ ҳамма жойда гектаридан камида 25 центнердан пахта етиштиришга жанговар сафарбар этдилар. Коммунистларнинг катта отряди бевосита бригадаларга юборилган. Бу эса Ўрта Осиё республикаларида қўшимча юзлаб цех партия ташкилотлари тузиш имконини берди. Бу эса ишлаб чиқариш масалаларини ишчанлик билан ва оператив ҳал қилиш, идеология ишлари савиясини ошириш имкониятини яратди. Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш ва маъмурий бошқарув ҳамда ёрдамчи аппаратни такомиллаштириш юзасидан амалий чоралар бажарилди. Шу йилнинг бошидан буён хўжаликларда 20 мингдан ортиқ штатли ходим қисқартирилди. Бу — йилига 13 миллион сўмни тежаш имконини беради. Идора ишидан озод қилинган ходимлар моддий ишлаб чиқариш соҳасига юборилди.

Тошкент область Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети (секретари С. Тоиров) баҳорги экиш ишлари бошланишидан анча олдин ҳар бир хўжаликнинг ўтган йилги ишлаб чиқариш фаолиятини чуқур таҳлил қилди ва аниқланган хатоларни ҳисобга олган ҳолда барча дала ишлари циклини ўтказиш, бу йилги мажбуриятларни бажариш юзасидан конкрет тадбирлар планини тузиб чиқди. Кейинчалик партия комитети ишлаб чиқилган тадбирларни бажариш юзасидан қаттиқ контроль ўрнатди, коммунистларни жой-жойига қўйишга, ўрта звено кадрларини мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Пахтакор бригадаларнинг кўпгина раҳбарлари юқори ҳосилли бригададан қолоқ бригадаларга ўтдилар, илғор хўжаликлар қолоқ участкаларни оталиққа олди. Колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, бригадирлар ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари учун амалий машғулот ўтказилиб, пахта етиштиришнинг илғор агротехника усуллари кенг миқёсда кўрсатилди.

Тожикистон ССРдаги Қўрғонтепа, Туркманистон ССРдаги Керки, Қирғизистон ССРдаги Аравон ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ҳам асосий эътиборни қолоқ хўжаликларга ёрдам беришга қаратганлар. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга самарали таъсир қилмоқда.

Лекин ҳамма жойда ҳам иш ана шундай эмас.

Ўзбекистон республикасининг кўпгина областлари ва ишлаб чиқариш бошқармалари ҳам ғўзани суғоришда орқада қолмоқда. Бу ишда Тожикистон ва Қирғизистон ССР колхоз ва совхозларида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бир соатни ҳам қўлдан бой бермай, бутун кучни ғўза парваришига сафарбар этиш керак. Шу кунларда экинлар ялпи гуллай бошлади. Айниқса ҳозир озиқлантириш ва қатор ораларини ишлаш билан боғлиқ ҳолда экинни ўз вақтида суғориш талаб қилинади. Бу ишда сал бўлса ҳам кечикиш ҳосилдорликнинг камайиб кетишига олиб келади.

КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг қарорига мувофиқ, пахтакор республикаларда бошланаётган экинларни парвариш қилиш ишларини ўзаро текшириш пахтакорларнинг меҳнат активлигини, ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетларининг ишчанлигини янада ошириши керак. Ўзаро текширишни шов-шув кўтармай, ўзаро текшириш давомида асосий диққат-эътиборни ғўза парвариши ва ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарликдаги барча камчиликларни тугатишга қаратиш муҳимдир.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июнь Пленуми омма орасида жанговар ташкилотчилик ва идеология ишлари, кадрларни жамият бахт-саодат йўлида меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш хўжалик муваффақиятларининг калити эканлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи — барча идеология ишимизнинг улкан бир қисмидир. Кишиларни тўғри тарбиялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, иқтисодий вазифаларни ҳал этишга бевосита таъсир кўрсатади. Тарбиявий ишлар меваси татиб кўриладиган мезон ҳам бор. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети Пленумида жуда образли қилиб: «Бу совет кишиларининг меҳнати натижалари ўлчанадиган тарозининг ўзидир» деб айтилди. Бу натижаларнинг тобора салмоқлироқ бўлиши учун ҳамма ишларни қилиш партия ташкилотларининг асосий, ҳал қилувчи вазифасидир, ҳар бир коммунистнинг, комсомолнинг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг бурчи ва вазифасидир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилинган «Пахта сотиш ва харид қилиш нархларини ошириш тўғрисида ва пахтакор колхозларга дон сотиш ҳақида»ги қарори колхозчилар ва совхоз ишчиларининг меҳнат активлигини янада ошириб юборди. Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси колхозчилари ялпи пахта ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кескин кўпайтириш учун мусобақа ташаббускори бўлиб чиқдилар. Уларнинг ташаббуси КПСС Марказий Комитети қарори билан маъқулланди ва Ўрта Осиё республикаларининг ҳамма колхозларида, совхозларида қизғин қўллаб-қувватланди.

Бу қўллаб-қувватлаш мўл пахта учун курашнинг дастлабки босқичини уюшқоқлик билан ўтказишда, Ўрта Осиё иқтисодий районининг давлатга пилла ва қора кўл тери сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажарганлигида ўз ифодасини топди.

Ўрта Осиё иқтисодий районининг партия ташкилотлари, меҳнаткашлари бу йил камида 4 миллион 834 минг тонна «оқ олтин» етиштириш юзасидан олган ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

(«СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ», 4 июль).

# МЕҲНАТ ТАРОНАЛАРИ

## (Ёш қаламкашлар шеърларига обзор)

Редакцияга ҳар куни ўнлаб шеърлар келиб туради. Уларни бепоён колхоз далаларида меҳнат қилаётган ёш колхозчилар, завод, фабрикаларда ишлаб, коммунистик мўл-кўлчиликка ажойиб ҳисса қўшаётган ишчилар, илм чўққиларини қунт билан эгаллаётган студентлар, ўқитувчилар юбормоқда. Шеърларда куйланаётган темалар, олға сурилаётган идеялар ғоят рангба-рангдир. Бу шеърларни чинакам меҳнат тароналари деб аташ мумкин. Ёш ҳаваскорлар Ш. Холматов, Х. Бекмирзаев, А. Арслонов, К. Солиев, Х. Юсупов, С. Ражабов, Р. Хўжамберганов, Д. Абдуллаева, Х. Сафаровлар ўз қалбларининг қўрини жонажон партиямизга, шонли Ленин комсомолига бағишлайдилар. Коммунизмнинг улкан қурилишлари, совет кишиларининг таърифга сиғмайдиган ажойиб меҳнат зафарлари бу ҳаваскорларнинг завқига завқ қўшади, қалбига илҳом бағишлайди.

Қаландар ота Қурбоний бахтли, фаровон, осойишта умр кечираётган минг-минг отахонларимиздан биридир. У шу бахтли ҳаёт учун ўз тенгқурлари номидан қадрдон партияга, жонажон Ватанга чексиз ташаккур билдиради:

«Етмиш бешга етди ёшим,
Кўкка етди менинг бошим,
Порлаб турар бахт қуёшим,
Озод Ватан нурга тўлди...».

Мирзачўлда яшовчи кекса она Каромат хола ўзи тўқиган қўшиқларини В. И. Ленинга бағишласа, ўқитувчи Аннамурот Ойимбетов ўз шеърида ёш авлодни кўпроқ ўқиб, кўпроқ ўрганишга, қунт билан, меҳнат билан илм чўққиларини забт этишга чақиради.

Ҳаваскорларнинг кўпчилиги дастлабки ижод намуналарида она-Ватан гўзаллигини куйлашга интилганлар, кун сайин обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз туфайли фахрланадилар. Бу ҳаваскорлар ўз меҳнатлари билан коммунизмнинг муҳташам, нурли биносини барпо этишда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирадилар. Б. Тожиевнинг «Гўзал Тошкент», С. Комиловнинг «Жон Марғилон», Ж. Абишевнинг «Пахтакор Ўзбекистон», Ф. Ботировнинг «Мамлакатим», С. Аҳмедованинг «Улкам», А. Абдуназаровнинг «Ўзбекистон», А. Саидмуродовнинг «Қақраган чўлларда» сарлавҳали шеърлари фикримизнинг далилидир.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, ҳаваскор шоирларнинг кўпчилиги гарчи ўз шеърларига ранг-ба-ранг темалар танласалар-да, одатда, бу темаларнинг кўпчилиги тугал ишланмайди. Авторларнинг кўпчилиги ўзлари кўтарган масаланинг моҳиятини очмасдан туриб, шеърни тугатиб қўя қоладилар. Натижада шеърнинг идеяси, яъни ўқувчига уқтирмоқчи бўлган фикри нимадан иборатлиги қоронғи бўлиб қолаверади. Редакцияга келаётган шеърларнинг кўпчилиги ана шундай шошма-шошарлик билан ёзилган шеърлардир. Бундай шеърлар жумласига С. Эшмуродов, Ж. Мухторхонов, Қ. Нурнаев, О. Файзуллаев, И. Қамариддинов, С. Исмоилов, М. Данабоев, З. Қўчқоров, Д. Аҳмедов, Қ. Собиров, С. Содиқовларнинг ижод намуналарини киритиш мумкин. Шунингдек, ёш ҳаваскорлар ижодида бошқа бир муҳим камчилик ҳам кўзга ташланади. У ҳам бўлса, шеърларда бадиийликнинг етишмаслигидир. Кўпчилик шеърлар фикрнинг ўзидан иборат бўлиб қолади. Уларда қалбларда ҳис-ҳаяжон, жўшқинлик уйғота оладиган, кишига маънавий озиқ бера оладиган, кишини чуқур ўйлантириб қўя оладиган мазмундор иборалар, оригинал ўхшатишлар, янги-янги фикрлар деярли учрамайди. Ёш қаламкашлардан Ф. Шамсиддинов, Ш. Нурхонов, Э. Абдураззоқов, М. Муродов, Р. Жуманиёзов, О. Равшанов, Ф. Ботиров, М. Мирзааҳмедов, М. Бобоназаров, А. Болтаев, Р. Ботиров, С. Ибадуллаевларнинг шеърларини ўқисангиз қалбингизда ҳеч қандай завқ-шавқ уйғонмайди, чунки бу авторларнинг шеърлари қалб ҳарорати билан, чинакам илҳом билан ёзилган шеърлар эмас. Бу шеърларнинг кўпчилиги шунчаки эрмак учун, бекорчиликдан ёзилган шеърларга ўхшайди. Масалан, ҳаваскор Н. Насимов:

«Ана лола, мана лола, баҳор
келди, гул-лола,
Даламизда байрам, гул баҳор
келди, гул-лола».

деб ёзади. Бу мантиқсиз, ҳеч қандай бадиий бўёқсиз ёзилган мисралардир. А. Хазратов, М. Муҳиддинов, Ф. Файзиев, Т. Раҳмонов, Т. Йўлдошев, С. Мунавваров, И. Муҳаммадиева, О. Исматиллаевларнинг ижод намуналарида ҳам юқоридаги сингари камчиликлар тез-тез кўзга ташланиб туради.

Ҳаваскорларнинг шеърларидаги яна бир камчилик бу шеърларда бадиий умумлашманинг етишмаслигидир. Кўпчилик авторлар қўлларига қалам олганларида тор фикр доирасида ўралашиб қоладилар. Кўрган-билганларининг фото нусхасини ёзиш билан чекланиб, катта хулосалар чиқара олмайдилар. Ҳаваскор шоир Б. Назаров ўзининг «Баҳор» сарлавҳали шеърида гулларнинг чаман бўлиб очилганини таърифлайди-ю, лекин шу чаманзорни, гулларга тўлиб яшнаётган боғларни бунёдга келтирган инсон эканлигини унутиб қўяди. Кишилар ҳақида бирор мисра бўлсин ёзишни эп кўрмайди. Ёш қаламкаш С. Усаров ўз шеърига «Гул» деб ном қўйган. Гул ҳақида, унинг ташқи кўриниши ҳақида бир бетдан ортиқроқ ёзган. Лекин «қиссадан ҳисса чиқариш»га келганда «лом-мим» демий қўя қолади. Х. Умаровнинг «Япроқ», З. Ашбоеванинг «Яна», С. Мирзараҳимовнинг «Биринчи қиз парвозда», М. Қаюмовнинг «Канотлан, қўшиқларим!», М. Очиловнинг «Шоир отага», Ю. Султоновнинг «Тўртликлар», Ж. Ешмуҳамедовнинг «Яшасин Компартия» А. Маматқуловнинг «Она», М. Туроповнинг «Ёшлик ҳақида» сарлавҳали шеърлари ана шундай камчиликларга эгадир.

Шеър ижодий изланишлар, чуқур мушоҳадалар маҳсулидир. Ҳаётни, кундалик турмушни кузата олмаган, ундан зарур хулосалар чиқара олмаган ҳаваскорнинг яхши шеър ёза олмаслиги ҳаммага маълумдир. Бир хил қаламкашларнинг фикрлаш доираси ғоят тор, баъзан иккинчи даражали, унча муҳим бўлмаган темалардан нарига ўта олмайдилар. Кўпчиликни қизиқтираётган, ҳамманинг ўй-хаёлини банд қилган актуал масалаларни четлаб ўтадилар ёки бутунлай тушунмайдилар. Ёш қаламкашлардан Н. Тўйчиев, Н. Раҳимжонов, Т. Саидов, А. Умрзоқов, Т. Парпиев, Қ. Солиев, М. Худойбердиевларнинг шеърлари ўз темасининг торлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу авторлар ўзларининг шахсий, тор кечинмалари билан чегараланиб қоладилар. Атрофда юз бераётган улкан ўзгаришлар бир чеккада қолиб кетади. «Пахтакор қизга» (А. Бағиров). «Бир қизни кўрдим» (Р. Машарипов), «Дўстлигим» (Қ. Қурбонов), «Бўлмаса» (А. Нурбоев), «Гирёна қилма» (Р. Жуманиёзов), «Эй қора кўзлигим» (Э. Раҳимов), «Бир қизга» (У. Чориев), «Булбул» (Б. Зайниддинов), «Озор чекмасин» (М. Абдураҳмонов), «Истармаи» (Қ. Мисиров) шеърларида кундалик ҳаёт, меҳнат нафаси сезилмайди. Бу шеърларнинг авторлари кўпроқ «оҳ-воҳ» чекадилар. Номаълум гўзалнинг таърифини келтириш билан шуғулланадилар. Ўзларининг ҳазин руҳий кечинмаларини ёза бериш билан шеър бунёдга келтириш мумкин деб ўйлайдилар. Бу шеърларда ҳақиқий инсоний муҳаббат куйланмайди.

Ёш ҳаваскорларнинг кўпчилиги шеър учун муҳим бўлган қофия, вазн, туроқ сингари компонентларни бутунлай унутиб қўядилар ёки бунга яхши аҳамият бермайдилар. Натижада ёзилган шеърлар оҳангдорликдан, мусиқийликдан маҳрум бўлиб қолганлигини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Бундай шеърлар ўқувчи қалбига бориб етмайди, кишини завқлантира олмайди.

Ҳаваскор Д. Орифбоев «пахтазорлар» сўзига «ғўзалар» сўзини қофия қилмоқчи бўлса, Т. Мақсудов «ҳамдамим» сўзига «вақтим» сўзини қофия қилган. Агар сўзлардаги қўшимчалар олиб ташланса сўзларнинг ўзаги «пахтазор», «ғўза», «ҳамдам», «вақт» сўзлари бир-бирига қофиядош, яъни оҳангдош эмаслиги авторларнинг ўзига ҳам маълум бўлса керак. Ана шундай камчиликлардан ҳаваскорлардан С. Қаюмов, Ф. Бобоев, О. Суйсинова, Я. Ваҳобов, А. Турсунов, Ш. Давиров, А. Абдураимов, Т. Камолхўжаевлар ҳам қочиб қутула олмаганлар. Булар ҳам юқоридаги сингари қофия, вазн сингари компонентларга яхши амал қилмаганлар.

Юқорида биз қайд қилиб ўтган баъзи ҳаваскорларнинг ижод намуналаридаги камчиликлар шуни кўрсатиб турибдики, ҳаваскорлар ўз шеърлари устида чинакамига ижодий меҳнат қилмаганлар. Шеърни шоша-пиша тугатиб, тезроқ редакцияга юбориш пайида бўлганлар. Шеър катта ва машаққатли меҳнат талаб қилади. Ёш ҳаваскорлар ҳақиқий шоир бўлиб етишишни, халқнинг чинакам куйчиси бўлиб етишишни орзу қилсалар, тинмай ўқиб, ўрганишлари, ўз маҳоратларини ошириш устида кечаю кундуз бош қотиришлари, шеър ёзиш техникасини ва санъатини улкан шоирлардан тинмай ўрганишлари керак. Ана шундагина халқнинг чинакам куйчиси, чинакам шоир бўлиб етишиш мумкин.

Самарқандликлар жаҳон хотин-қизлари конгресси қатнашчиларининг ўз шаҳарларига келишлари муносабати билан ҳадялар тайёрладилар. Суратда: Самарқанддаги «Труд женщин» бадиий гиламчилик фабрикасининг бадиий гул солиш усталари Хосият Бахриева ва Зуҳра Султоновалар конгресс қатнашчиларига ҳозирлаган совғаларини кўздан кечирмоқдалар.

А. Кузьменко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

# ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ТАШАББУС

### БИРДАН-БИР ОҚИЛОНА ЙЎЛ

СОФИЯ, 3 июль. (ТАСС). Болгария газеталари Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Берлиндаги митингда сўзлаган нутқини «Тинч-тотув яшаш, тинч иқтисодий мусобақадан иборат фақат бирдан-бир оқилона йўл бор», «Германия билан сулҳ шартномаси тузиш — Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш шартидир», «Коммунистлар барча халқларни мустаҳкам тинчлик йўлидаги умумий курашда жипслашишга даъват этмоқдалар» деган сарлавҳалар остида босиб чиқардилар.

«Отечествен фронт» газетаси «Совет ҳукумати барча ядро синовларини абадий тақиқлаш тўғрисидаги шартномани ҳеч ҳаялламай имзолашга тайёрдир», деб таъкидлайди.

Болгариянинг машҳур публицист ёзувчиси Иван Руж ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: Н. С. Хрушчевнинг Берлиндаги митингда сўзлаган ёрқин, чуқур мазмунли нутқи совет халқининг уруш йўлини тўсишга, тинчликни таъминлашга, социалистик мамлакатларнинг халқларини, бутун инсониятни атом уруши ҳалокатидан сақлашга қатъий қарор берганлигини исбот этувчи янги далилдир.

### Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА!

<>

Н. С. Хрушчев ядро қуроли синовларини абадий тақиқлаш тўғрисидаги тинчликсеварлик таклифлари билан, барча халқларнинг бахт-саодати тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилаётганлиги билан ҳар бир кишининг қалбидан жой олди. Биз, Болгариядаги тинчлик тарафдорлари совет халқи билан биргаликда тинчликни доим қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз, жаҳон уруши оловини ёқувчиларнинг халқаро муҳитни заҳарлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қарши курашамиз.

### СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

БУДАПЕШТ, 3 июль. (ТАСС). Венгрия меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевнинг Берлиндаги митингда сўзлаган нутқини зўр мамнуният билан кутиб олдилар ва бу нутқни маъқулладилар. Митинг Венгрия телевидениеси орқали эшиттирилди. «Непсабадшаг» газетаси ва бошқа марказий газеталар бугунги сонларида Н. С. Хрушчев билан В. Ульбрихтнинг нутқларини кўзга яққол ташланадиган ўринларда босиб чиқардилар.

«Мадьяр немзет» газетаси Н. С. Хрушчевнинг нутқини шарҳлаб қуйидагиларни ёзади: «Совет ҳукумати бошлиғининг нутқида халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган иккита жуда муҳим таклиф бор. Н. С. Хрушчев айтдики, Совет ҳукумати Ғарб давлатларининг позициясини эътиборга олиб, бамаслаҳат бир қарорга келиш манфаатларини кўзлаб, атмосферада, космосда ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрдир. Уч давлат бошлиқлари кенгаши арафасида илгари сурилган бу таклиф жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу таклиф Совет Иттифоқининг эзгу ниятларини, унинг бир битимга келишга астойдил тайёр эканлигини намойиш қилади ва шу билан бирга музокараларнинг муваффақиятли ўтиши учун шароит вужудга келтиради. Иккинчи таклиф Варшава шартномасида аъзо бўлган мамлакатлар билан НАТО мамлакатлари ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида битим тузишни кўзда тутади. Бу таклифларнинг қабул қилиниши қуролсизланиш тўғрисида кенг битим тузиш учун йўл очиб берган бўлур эди».

### ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БЕРЛИН, 3 июль. (ТАСС). Газеталар Н. С. Хрушчевнинг Берлиндаги оммавий митингда сўзлаган нутқи тўғрисида биринчи саҳифаларида йирик ҳарфлар билан терилган қуйидаги сарлавҳалар остида хабар қиладилар: «Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги янги ташаббуси», «Н. С. Хрушчев тинчликни кўзда тутган янги таклифлари билан Берлинга келди. Бутун жаҳон Берлинга назар солмоқда», «Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик». «Нейес Дейчланд» ва «Берлинер цейтунг» газеталари Совет ҳукумати бошлиғи нутқининг тўла текстини эълон қилдилар, бошқа марказий газеталар эса бу нутқнинг батафсил баёнини босиб чиқардилар.

«Нейес Дейчланд» газетаси Н. С. Хрушчевнинг халқлар иккинчи жаҳон уруши қолдиқларининг тугатилишини, Германия билан сулҳ шартномаси тузилишини ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволнинг нормаллаштирилишини кутмоқдалар, деган сўзларини алоҳида уқтириб кўрсатади.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди газета, тинчлик соҳасида яна ташаббус кўрсатиб, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузишни Ғарб давлатларига таклиф этмоқда. Янги уруш хавфининг олдини олиш мақсадида НАТО блоки қатнашчилари билан Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисидаги пакт тузиш ҳам таклиф этилмоқда.

Н. С. Хрушчевнинг нутқи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган.

### ҲИНДИСТОНДА КАТТА ҚИЗИҚИШ

ДЕҲЛИ, 3 июль. (ТАСС). Н. С. Хрушчев Берлиндаги оммавий митингда сўзлаган нутқида Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар билан НАТО мамлакатлари ўртасида ҳужум қилишмаслик тўғрисида ва ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузишга даъват этади. Ҳиндистон матбуоти Н. С. Хрушчевнинг нутқига жуда катта аҳамият бермоқда. Деҳли газеталари Совет ҳукумати бошлиғи нутқининг батафсил баёнини биринчи саҳифаларда катта сарлавҳалар билан босиб чиқарди. «Хрушчев жанобларининг таклифи, — деб уқтириб ўтади «Пэтриот» газетаси, — Женевада ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида олиб борилаётган ва боши берк кўчага кириб қолган музокараларга тамомила янгилик киритади». Матбуот Н. С. Хрушчевнинг ҳужум қилишмаслик тўғрисида пакт тузилиши халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам берган бўлур эди, деган гапларини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатади.

«Пэтриот», «Таймс оф Индиа» ва «Хиндустан таймс» газеталари Н. С. Хрушчевнинг Германия билан сулҳ шартномаси тузилиши иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларига барҳам беради ва Европада тинчлик бўлишини таъминлайди, деган гапларини келтиради.

### ҚОҲИРА ГАЗЕТАЛАРИДА

ҚОҲИРА, 3 июль. (ТАСС). Қоҳира газеталари Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Берлиндаги митингда сўзлаган нутқи тўғрисидаги хабарларни бугунги сонларида кўзга яққол ташланадиган ўринларда қуйидаги сарлавҳалар билан босиб чиқардилар: «Хрушчев ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузишни Ғарбга яна таклиф этмоқда», «Кескинликка барҳам бермоқ учун ҳужум қилмаслик тўғрисида пакт тузиш зарур».

«Хрушчев, — деб ёзади «Ал-жумҳурия» газетаси, — Ғарбий Германиянинг Шарқий Германияга ҳужум қилиши жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлади, деб Ғарбни огоҳлантирмоқда». Газеталар Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Кеннеди Ғарбий Германияда ва Ғарбий Берлинда коммунизмга қарши сўзлаган нутқлари билан «империалистлар томонидан заҳарланган халқаро муҳитга янада кўпроқ заҳар сочди, холос», деган гапларига алоҳида аҳамият беради.

## НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг 60 йиллигига бағишланган назарий конференция бўлиб ўтди.

Конференция ишида университетнинг профессорлари, доцентлари, ўқитувчилари, ассистент ва аспирантлари ҳамда студентлар иштирок этдилар.

Х. КАРИМОВ.

Красноярск шаҳрида халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида ядро нурланишларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш мақсадида йирик изотоп лабораторияси ишлай бошлади. Лаборатория ходимлари ҳозиргача бир қанча масалаларни ҳал қилдилар. Чунончи, Красноярск целлюлоза-қоғоз комбинатида қоғоз вазнини радиоизотоп усулида аниқлайдиган ускуна ўрнатилди. Суратда: лаборант В. Вахманов (чапда) ва радиоактив анализ билан шуғулланувчи группанинг бошлиғи В. Коваленко ўртоқлар махсус камераларда илмий иш ўтказмоқдалар.

Ю. Бармин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

# ПРОФЕССОРНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ

Профессор Муҳаммад Қулматович Қулматов Самарқанд медицина институтининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасига мудир бўлиб келди-ю, илмий советларда ва кафедра мажлисларида: «Ишда тубдан бурилиш ясаймиз», «Илмий тадқиқот ишларини жонлантириб юборамиз» деб институт раҳбарлари олдида катта-катта ваъдалар берди. Институтдагилар «кафедрада ҳамма шароитлар муҳайё, бунинг устига мана, билимли, ишчан олим раҳбарлик қилмоқда, зора энди илмий ва даволаш ишлари юришиб кетса» деб ўйлашди. Аммо бу тахминлар ўзини оқламади. Орадан бир-икки йил ўтди ҳамки, бирорта илмий асардан дарак бўлмади, кафедрада машғулотлар савияси кундан-кунга пасайди, даволаш клиникасида ҳам аҳвол ёмонлашиб қолди. Ходимлар ўртасида интизом бўшашиб кетди. Кафедра бошлиғи ҳамма айбни кафедра аъзолари ва ординаторлар устига қўйиб, институт ректоридан кафедрани янги кадрлар билан мустаҳкамлашни талаб қилди. Шундай қилинди ҳам. Ёш, истеъдодли олима, медицина фанлари кандидати Ў. Ваҳобова кафедрага доцент қилиб юборилди. С. Орифов, Ф. Аслитдинов, Т. Исомиддинова ўртоқлар кафедрага ассистентлар қилиб тайинландилар. Янги кучларнинг келиши билан ҳайтовур кафедрада ишлар бир оз жонланди. Бунда доцент Ў. Ваҳобова анча ғайрат-ташаббус кўрсатди. Клиникада даволаш, илмий тадқиқот ишлари ва студентлар орасида ўқиш-тарбия ишлари анча яхшиланди. Бир неча босма листдан иборат илмий асарлар ёзилди. Меҳнатда обрў орттирганлиги учун кафедра доценти, СССР Олий Советининг депутати Ўктам Ваҳобова институт проректорлиги лавозимига кўтарилди, кафедра аъзоси Субхонқул Орифов институт партия комитетининг секретарь ўринбосарлигига сайланди.

Икки ёш олимнинг обрўси ошганлиги, афтидан, кафедра мудири — профессорга ёқмади. У ўз вазифасига совуққонлик билан қарай бошлади. Илмий ишларга қизиқмай қўйди. Кафедрада ҳам камдан-кам кўринадиган бўлиб қолди. Бу хатти-ҳаракатлар институт раҳбарларини ташвишлантирмай қўймади, албатта. Кафедра мажлисида бу масала муҳокама қилинди. Кафедра ишлари ҳақида ахборот бериш учун профессор Қулматовга сўз берилди, аммо у гапириб ўтиришни ўзига эп кўрмади шекилли, гапни қисқа қилиб қўя қолди. Саволлар ёғилиб кетди:

— Қанча шогирд етиштирдингиз?

— ...

— Шахсан ўзингиз қандай илмий асар яратдингиз?

— Илгарилари ёзган эдим.

— Нега кафедрада интизом бўшашиб кетган?

— Билмадим...

Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади, деганларидек, профессорнинг коллективдан ажралиб қолгани, лекция ва практика машғулотларини юзаки ўтказиши сабабли студентлар ўртасида обрўси тушиб кетгани маълум бўлиб қолди. У лекцияларда ёшларга чуқур билим бериш ўрнига кўпинча темага алоқаси бўлмаган гапларни айтиб, студентларнинг энсасини қотиради.

Шогирдсиз олим — мевасиз дарахт билан баравар, дейишади. Профессор Қулматов ўн икки йил кафедрада раҳбар бўлиб ишлаб бирорта ҳам медицина фанлари кандидати тайёрламаган. Кафедра ходимлари тез-тез алмаштириб туриладн. Ҳозирги вақтда кафедрада ассистент бўлиб ишлаётган Н. З. Лазарева, Т. Исомиддинова, Ф. Аслитдиновлар фанга меҳр қўйган, ғайратли кишилар, аммо профессор тегишли ёрдам бермаганлиги сабабли шу пайтгача илмий даражага эга эмаслар.

— Мен илмий темамни деярли тугатдим, — дейди Н. З. Лазарева, — лекин раҳбаримиз ҳеч қандай йўл-йўриқ кўрсатмайди, биз билан тузук муносабатда ҳам бўлмайди.

Клиникадаги врачлар ва ординаторларнинг кўпчилиги профессорнинг муомаласи ва хатти-ҳаракатидан ранжиган. Тажрибали врач Р. Ҳусанова Холқўзиев деган беморни даволаётганда профессор даб-дурустдан касални енгил-елпи кўриб, бошқа диагноз белгилайди ва врачнинг дори-дармонларини бекор қилади. Натижада беморнинг аҳволи оғирлашади. Уни махсус комиссия кўриб, врачнинг диагнози тўғри эканлигини тасдиқлайди. Профессор буни ўз обрўсини тушириш учун қилинган иш деб тушуниб, шифохона бош врачи Я. Узоқовдан Р. Ҳусановани ишдан бўшатишни талаб қилди.

— Профессор бундан бошқа яна беш кишини бўшатасан деб туриб олди. Аммо мен бу нотўғри ишга рози бўлмадим, сўнгра у менинг устимдан ҳар жойларга шикоят қилиб юрди. Профессорнинг таклифи билан клиникада 12 йил давомида ўн икки бўлим мудири ўзгарган экан, — дейди бош врач Я. Узоқов. Хуллас, олим, профессор унвони бўлган киши бошқа мутахассисларга йўл-йўриқлар кўрсатиш, намуна бўлиш ўрнига ўз хатти-ҳаракати билан обрўдан қолган. Шундай ишлар бундан илгари ҳам юз берган экан. Қулматов Тошкент медицина институтида ишлаб юриб, бирдан Душанба медицина институтига келади. Бу ерда ножўя ҳаракатлари учун ҳатто партия сафидан ҳам ўчирилган. Ўша вақтда у Самарқанд медицина институтига келиб, тасодифий равишда конкурссиз ишга жойлашган. Хотини ва икки қизидан иборат оиласи Душанбада қолган. Ҳозир Самарқанд шаҳридаги ҳашаматли участкасида клиника лабораториясида ишлаётган В. Жигир деган аёл билан ҳамхона яшайди. Профессорнинг кўп вақти шахсий «Волга» машинасида шаҳар кезиш билан ўтади.

Профессор — улуғ ва шарафли ном, улкан илмий унвон. Лекин Муҳаммад Қулматовнинг хатти-ҳаракати шундай улуғ унвонга сира тўғри келмайди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

## ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**5 ИЮЛДА**

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

Рус тилида: 18.00 — **Музика луғати** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Яман** (Совет Армияси жангчилари учун). 18.55 — **Олтин қазиб олинган тоғда** (ҳужжатли фильм). 19.15 — **Моцарт ва Сальери** (телевизион фильм). 20.00 — **Телевизион янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телевизион янгиликлар**, 20.40 — **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун**, 21.00 — **Совет Ўзбекистони** киножурнали ва **Бўш рейс** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — **Урта Осиёда ирригациянинг ривожланиши**

Рус тилида: 20.20 — **Плакат тили билан**, 20.40 — **Евгения Гранде** номли бадиий фильм.

### ТЕАТР

**Ҳамид Олимжон номли Самарқанд область ўзбек муздрамкомедия театри гастроллари:** Ҳамза номли театрда (ёзги бино) — 5/VII да **Биринчи муҳаббат**, 6/VII да **Кимга тўй, кимга аза**, Муқимий номли театрда (ёзги бино) — 5/VII да **Атласхон**. Спектакль кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

### КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА:**

**Ҳаммасига ёз сабаб** — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 гача).

**Мен, бувим, Илико ва Илларион** — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

**Француз ўчоғи олдида** — «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда)

**Занжир реакция** — «ИСКРА» (кеч соат 5 дан), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

**Компаньерос** — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Буюк Карузо** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Бабетта урушга боради** — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

**Серқуёш водий серенадаси** — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

**1) Биз севган Менсина, 2) Шаҳардай шаҳар** (кундуз соат 1, 2-20 минут, 3 ярим, 4-40, кеч 5-50 ва 8-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

**Этик ови** — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

**Калимантанда узилган ўқ** (тоқ соатларда), **Аида** (кеч соат 6 ва 8 да) — «ВОСТОК».

**ЁЗГИ БИНОДА:**

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10-40 минутда)

**Француз ўчоғи олдида** — «ВАТАН», «ХЕВА», ТЕЛЬМАН номли.

**Занжир реакция** — НАВОИЙ номли.

**Ҳаммасига ёз сабаб** — «ФЕСТИВАЛЬ».

**Катта вальс** — КАФАНОВ номли.

**Жазирама** — «САЛЮТ».

**Георгий Саакадзе** (1 ва 2-серия) — «ПОБЕДА».

**Бургут уясида** — «ШАРҚ».

**Икки кўчали уй** — «МЕҲНАТ».

**Компаньерос** — ПУШКИН номли.

**Охир замон** — «1 МАЙ».


**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИНИНГ МАРҒИЛОН ЎҚУВ- КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТИ**

1963/64 ўқув йилида

**пахтани дастлабки ишлаш, тўқимачилик саноатининг ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари, тикувчилик технологияси, пахта йигириш, тўқиш, ипак технологияси ихтисосларига**

(1-курсга)

**СТУДЕНТЛАР**

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Кириш шартларини «Қизил Ўзбекистон»нинг 21/V ва «Правда Востока»нинг 7/V сонидан қаранг.

Адрес: Марғилон шаҳар, К. Маркс кўчаси, 294-уй.


Чирчиқ шаҳар, Мир кўчаси, 23-уй, 43-квартирада турувчи **Зинаида Максимовна Лотованинг** Куйбишев область, Похвистнево шаҳар, Аверкинская кўчаси, 32-уйда турувчи Иван Иванович Лотовдан ажралиш ҳақидаги иши Чирчиқ шаҳар халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов кўчаси, 403-уй, 7-квартирада турувчи **Иван Андреевич Шербаковнинг** Андижон область, Наманган район, Тўрақўрғон посёлкасида турувчи Зуҳра Губайдульевна Рафиковадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Красновосточная кўчаси, 83-уйда турувчи **Шомирза Жумановнинг** шу уйда турувчи Лола Қорақошевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.


**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:** «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

**КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Секретариат — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226 Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.**

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 08344. Индекс 64543. Нашр. № 155.